БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 май Жума
№ 98. (13.534).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Мактабларда сўнгги қўнғироқ

Имтиҳон—бу йўлланма

ТОШКЕНТНИНГ Куйбишев ноҳиясидаги 140-мактаб битирувчилари учун бу йилги физика ва математикадан имтиҳон баҳолари жумҳурият олий ўқув юртларига кириш учун кафолат бўлиши мумкин.

Бу мактабда аниқ фанлар чуқур ўрганилмоқда. Бу ишда «Электроника» илмий-ўқув марказининг, Тошкент политехника институти радиоэлектроника ва автоматика факультетларининг ва ТошДУ физика факультетининг олимлари ва мутахассислари кўмаклашмоқда. Бутун йил давомида мактаб аудиторияларида мактаб ўқитувчилари билан бирга маслаҳатчилар — аспирантлар, илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг муаллимлари ишлашади.

Ўзбекистон Шўролар Ижтимоий Жумҳурияти Фанлар академиясининг У. А. Орипов номли электроника институти лабораторияларида юқори синф ўқувчилари амалий машғулотлар ўтказишади, курс ишларини ҳимоя қилишади, хуллас, олим меҳнати билан танишишади. Айтиш керакки, ўқувчилар имтиҳонларни топширганларидан кейин касбга ҳам эга бўладилар — улар илмий-текшириш институтларида лаборант бўлиб ишлашлари мумкин.

— Мактабимизда ўтказилаётган тажриба — илмий кадрларни мақсадга йўналтирилган тарзда тайёрлашга уринишдир, — деди мактаб директори О. Радомская, — бундай табақалаштирилган ёндашув болаларга турмушда ўз йўлларини онгли равишда танлаш имконини беради. Кейинчалик мактабнинг олий ўқув юртлари ва илмий институтлар билан алоқаси кенгайиб боради.

Кўргазмада—дисплей хонаси

ЎЗБЕКИСТОН Шўролар Ижтимоий Жумҳурияти Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг «Халқ маорифи» бўлимида ўқув хонаси очилди. Бу ерда информатика машғулотларини ўтказиш мумкин. Жумҳуриятда ишлаб чиқарилаётган энг яхши компьютер техникаси — «Алгоритм» заводининг, «Вариант» Совет-Болгария қўшма корхонасининг ва «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулотлари намойиш этилган.

Бу кўргазмада доим ишлайдиган компьютер клуби бўлади. Бу ерда турли хил ЭҲМлар, информатика бўйича ўқув программалари ва ўқитиш методикалари билан танишиш мумкин бўлади. Шу ернинг ўзида ўзлари ўқиётган мактабда ҳозирча бундай техника бўлмаган ўқувчилар учун машғулотлар ҳам ўтказилади.

Ўзлари хўжайин

САМАРҚАНДДАГИ тўртта мактаб — 10-, 17-, 51- ва 64-мактабларда тўла молиявий мустақилликка ўтиш билан боғлиқ тажриба ўтказила бошланди.

Мактаблар банкда ўз ҳисобларини очишмоқда. Моддий-техника базасини ривожлантириш ва мактабдаги бошқа эҳтиёжлар учун зарур маблағни бу ерга энди шаҳар халқ таълими бўлими эмас, шаҳар молия бўлими ўтказади. Пулларни қандай сарфлашни педагоглар жамоаларининг ўзи ҳал қилаяпти. Мактабни оталиққа олган база корхоналаридан келадиган маблағлар ҳам унинг банкдаги ҳисобига тушади. Ота-оналар ҳам уларнинг пуллари бирор бошқа мақсадга ишлатиб юборилишидан қўрқмай, мактаб эҳтиёжлари учун ўз шахсий улушларини ҳам қўшишлари мумкин.

(ЎзТАГ).

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Биз эрксиз эдик — эркин бўлдик; биз оч эдик — тўқ бўлдик; биз саводсиз эдик — саводли бўлдик; биз... Биз ундоқ эдик — бундоқ бўлдик, деган баландпарвоз таърифу-тавсифларни кўп эшитганмиз. Ҳозир ҳам аҳён-аҳёнда бўлса-да эшитилиб қоляпти, бу гаплар. Нималарнидир оқлаш учун, кимларнидир алқаш учун керакдир-да.



Лекин азалдан шукр қилиб яшаган халқ эмасмизми, кўз қувнайдиган сал нарсадан дилимизда баҳор қулф уради. Ешариб кетгандек бўламиз. Юқоридаги суратга боқиб, сиз ҳам хойнаҳой шундай ҳолатни бошдан кечирдингиз, албатта, бир зум. Бу бахтиёрлар (бахтли эканликлари чин бўлсин!) Андижон шаҳридаги Халқлар дўстлиги номли 13-ўрта мактабда ўқишади: Лена Фролова ва Нели Ўринова. Барча қулайликлар муҳайё этилган бу мактабда. Ёруғ ва замонавий синфлар билимга ташна бўлган ўғил-қизлар билан файзли.

Афсуски, жумҳуриятимизнинг ҳамма мактабларида шундай шароит яратилган, деб бўлмайди. Бундай роқларни кўпайтирайлик, харобаларини айтмайсизми! Кўриб турганингиз иккинчи суратда ана шундай афтодаҳол мактаблардан бири акс этган. Марҳамат, танишинг: Қарши шаҳридаги Чкалов номли 25 «а»-ўрта мактаб шу бўлади. 300 дан зиёд ўқувчи уч сменада ўқийди. Синфлар тор, ошхона... яхшиси у ҳақда гапирмайлик. Пайқаган бўлсангиз, сурат қиш пайтида олинган. Ана шундай аҳволда ўқишади бу ерда: табиийки, синфлар қишда совуқ бўлгани учун уст-кийимларини ечишмайди.

Хоналар йўқлигидан бу ўқув йилида иккита кичик узайтирилган синфларни ёпишга ва икки ўқитувчини қисқартиришга тўғри келди. Мактаб жойлашган маҳаллада уч минг киши яшайди. Қарилар, уруш ва меҳнат фахрийларининг Қарши шаҳар ижроия қўмитасига илтимоснома-ю аризалари шу пайтгача инобатга олинмади. Эҳтимол, уларнинг оҳ-зорини халқ депутатлари тинглашар. Ўқув йили тугади. Лекин ташвишлар эмас. Мактаб билан, болалар билан боғлиқ ташвишларга эса биринчи навбатда эътиборни қаратиш лозим. Акс ҳолда, барча тоат-ибодатларимиз бир тийин.

Суратчилар А. МИРЗАЖОНОВ ва Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ).



Долзарб мавзу

«Ўғлимга ёрдам беринг!»

Ориф Белоруссиянинг кичик шаҳрида куз кунларининг бирида ҳарбий қасамёд қабул қилди. Хизматга келганига олти ой бўлаётганди. Уларнинг полкини жанговар синов машқлари ўтказиш учун чўлга олиб чиқишди. Вақтинча яшаш учун махсус палаткалар тайёрланди. Сўнгра эртаси куни командир уларнинг взводидан уч кишини чақириб олиб кетди. Йигитлар орасида Ориф ҳам бор эди. Улар отиш масофаларини белгилаб, махсус «белгилар» тайёрлашлари керак эди. Кўклам. Ўтлар бўй чўзиб қолган. Уччовлон айтилган жойга отланишди. Бир пайт нимадир оёқлари остида гумбурлаб кетди. Орифнинг кўз олди қоронғулашиб, қулоқлари қоматга келди. У бўйи баравар кўтарилиб турган жойидан беш-олти метрлар нарига отилиб кетди. Дўстларининг қичқириб юборганини аранг эшитди. Сўнг нима бўлганини билмайди. Кўзини очса, госпиталда ётибди. Боши устида турган ҳамшира қимир этмаслигини тайинлади.

— Менга нима бўлди? — боғлаб ташланган оёқларига қараб аранг пичирлади у.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, сал оёғингиз лат ебди, холос. Тез кунда отдай бўлиб кетасиз...

Йўқ, у ҳаммасини сезиб турарди. Фақат иккала оёғининг узилиб кетгани хаёлига ҳам келмаганди. Эртасига икки оёғининг йўқлигини билди. Кечаси билан мижжа қоқмади. Кўз олдидан бирма-бир уйдагилари, қадрдон дўстлари ўта бошлади. «Майли, чидайман, тирик қолганимга шукр» дея, йиғлаб ҳам олди. «Лекин қишлоққа қандай кириб бораман? Айниқса... эшитса нима, дер экан-а?»... Жавобсиз саволлар унга тинчлик бермасди.

Орадан анча вақт ўтди. Бу ўтган йиллар оралиғида қанчадан қанча кўнгилхираликлар, асаббузар ҳолатлар бўлиб ўтмади дейсиз? Лекин бугун уларни Орифжонга, қолаверса, унинг ота-онасига эслатиб ўтириш шарт эмас. Шусиз ҳам уларнинг эскирган яраларини яна қўзғаб қўйганимдан хижолат тортаман.

— Ўғлим комсомол аъзоси. Лекин ҳали бирон марта жамоа хўжалиги ёки ноҳия комсомол қўмитаси ходимлари «Орифжон, ҳолинг қандай? Моддий ёрдам керакмасми?» деб, кўнгил учун ҳам келмагани мени жуда қийнайди, — дейди отаси куйиниб.

Уларга не, деб жавоб беришга ожизман. Аммо кўксимни бир алам ўртайди: «Ориф ҳам барча йигитлар қатори Она-Ватан хизматини бажараман, деб шу куйга тушди-ку? Ҳалиям унинг сабр-бардошига балли! Инсон ҳамма нарсага чидар экан. Фақат ғам-аламгина уни йиқитиши мумкин...

Бундан атиги бир ярим, икки йил бурун у ҳам ўз тенгқурлари қатори «тоғни урса, талқон қиладиган»лардан эди. Бугун эса унинг ярадор қалбини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Лекин ўзига қолса, ҳалиям институтга кириб ўқиш ниятидан қайтгани йўқ. Масофа олислик қиладида! Ўзибоп иш эса ҳеч қаердан топилмаяпти. Қўлидан анчагина ишлар келади.

— Эсиз оёғим бут бўлганида бундай тошбағир одамларга ҳеч қачон ялинмаган бўлар эдим-а?, — деб ўксинади у.

— Синглим, боламга иш беришса сал кўнгли кўтарилармиди,—деди Ҳусния опа ёлвориб. — Кутубхонами ёки бирор мактабданми енгилроқ иш топила қолсайди. Иш билан овунарди-да. Ўғлимга ёрдам беринглар...

Салима УМАРОВА,
Бухоро вилояти,
Навоий ноҳияси.

Кампирга ким қарайди?

Аскарлик йилларим Афғонистонда ўтди. Хизмат давримда Бўка ноҳиясидаги Қорақўйли қишлоғилик Саидкарим Саидносиров деган йигит билан танишиб қолдим. У бизнинг бўлинма командиримиз эди. Гапни ростини айтганда, Саидкаримга ўхшаган мард ва жасур, қўрқмас йигит камдан-кам бўлади.

Афсуски, умри қисқа экан. Биз етган шодон кунларга у етмади. Ҳирот шаҳри учун олиб борилган жанглардан бирида жасорат кўрсатиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ўлимидан сўнг унга Қизил Юлдуз ордени берилди.

Хизматдан қайтгач, Саидкаримларнинг уйига бир неча бор бордим. Чол-кампирларнинг аҳволини кўриб юрак-бағрим эзилиб кетарди. Ўғлининг ўлими Саидраҳмон отани тўшакка михлаб қўйди ва у киши 1989 йилда вафот этди. Шу орада оиланинг якка-ю ягона таянчи ва қувончи бўлган кенжа ўғил Саидраҳимни ҳам ҳарбий хизматга олиб кетишибди. Ҳозирги кунда Гуржистоннинг «Н» ҳарбий қисмида хизмат қилаётган экан.

Яқинда, Афғонистонда хизмат қилган Бахтиёр Ғуломов деган дўстим билан яна Саидкаримнинг уйига бордик. Ҳайҳотдек катта уйда биргина Саидкаримнинг онаси Каромат ая ёлғиз ўзи ўтирарди. Ҳозир у киши пенсиядалар. Лекин, уларнинг ҳолларидан хабар оладиган бирор бир раҳмдил инсон йўқ. Қизлари эса узоқ-узоқ жойларга турмушга чиқиб кетишган. Ҳарбий комиссариатда қишлоқ Шўросида бўлдик. Саидраҳимни қайтаришларини сўрадик. Лекин улар бирор бир тайинли жавоб беришмади.

Хўш, ўзининг ёш умрини Ватан топшириғи йўлида хазон қилган йигитнинг онасига ким қарайди! Бу саволга аниқ жавоб берадиган бирор бир ташкилот ёки муассаса борми!

Зоиджон ҚОСИМОВ,
Тошкент алоқа институти 4-курс толиби.

Редакция муҳаррирга қарши

Молдавия комсомоли Марказий Қўмитаси Бюроси тайинлаган янги муҳаррирга жумҳурият ёшлар «Тинеретул Молдовей» (Молдавия ёшлари») ёшлар рўзномасининг журналистлари бойқот эълон қилдилар.

Рўзноманинг биринчи саҳифасида 11 майда редакция жамоасининг муштарийларга ва расмий органга очиқ хати эълон қилинди. Унда рўзномачилар ўз таъсис этувчисини бошқа ишга кетган муҳаррир ўрнига янги муҳаррирни тайинлаш тўғрисидаги ўз қарорини комсомол Марказий Қўмитаси бекор қилмагунга қадар рўзнома чиқмаслиги ҳақида қатъий шаклда огоҳлантирдилар.

Журналистлар ўз мурожаатномасида бу ноширликда муҳаррир тайинлаш маъмурий-буйруқ системанинг ўтиб келаётган энг яхши анъаналардан ярқсиз амалиёти эканлиги тўғрисида сўзлаб бердилар. Бу ижодий жамоанинг фикр-мулоҳазасини эътиборга олмай юқоридан раҳбар тайинлашаётгани биринчи маротаба бўлаётгани йўқ, деб таъкидлашди улар. Ўтган йили редакция ходимлари учун номаълум бўлган сабабга кўра рўзномадан унинг муҳаррири Василе Ботнарь кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгач эса унинг ўрнига жамоага, журналистларнинг фикри бўйича, Ион Михайлюкнинг номзоди тиқиштирилган. Улар муҳаррирларни аппаратлар томонидан тайинланиши салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаслиги мумкин эмас, деб ҳисоблашади: жумҳуриятга танқли ёш журналистлар рўзномадан кетишди. «Тинеретул» сезиларли даражада ўз «қиёфасини» йўқотди.

Навбатдаги муҳаррир кетгандан сўнг бир неча ой мобайнида рўзномага босишга ижозат беришга муваққат муҳаррир ўринбосари вазифасини ижро этиб келган Валентин Дулче имзо қўйиб келган. Ҳозир редакция жамоаси уни муҳаррир лавозимига таклиф этаяпти, дейилади мурожаатномада. Бироқ, Молдавия комсомоли Марказий Қўмитаси Бюроси аъзолари янги муҳаррир раҳбарлигида рўзномани тайёрлаши лозим бўлган кишиларнинг фикрлари билан ҳисоблашмадилар.

А. ГОЛЯ, А. ТАНАС,
ТАСС мухбирлари.
Кишинёв.

Шу сонга хабар

Депутатлар билан учрашув

Жумҳурият Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган учрашувга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари — «Чўлпон» нашриётининг директори Нурали Қобул, Ўзбекистон ССР телевидениеси мусиқали эшиттиришлар бош муҳаррири Урол Ўтаев ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг бўлим мудири Карим Баҳриевлар ташриф буюришди. Улар журналистларга ўзларининг халқ хизматкори сифатидаги дастлабки фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб беришди. Бу борадаги ҳаракатни янада кучайтириш учун ҳамкасбларининг амалий ёрдамига таянажакларини изҳор этишди.

Ўзаро мулоқот асосида ўтказилган бу учрашувда депутатлар йиғилганларнинг бир қатор саволларига жавоб беришди.

Сайр кўнгилли ўтсин

ҲАДЕМАЙ ёз мавсуми бошланади. Меҳнат таътилига чиққанлар сони кўпайгандан кўпаяди. Йил бўйи меҳнат қилгандан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришни ҳам билиш керак-да, ахир.

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси йўлланмаси билан иттифоқимизда ва чет элларда дам олиб келаётган ўзбекистонлик ёшлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Жумҳуриятимизда меҳнат қилаётган турли касбдаги турли миллат ёшлари ана шу сафарлар чоғида кўплаб дўсту-биродарлар орттиришмоқда. Уларнинг алоқалари ўз иш жойларига борганларидан сўнг ҳам узлуксиз давом этаётир.

Фақат ўтган йилнинг ўзидагина серқуёш диёримизнинг 7,5 мингга яқин йигит-қизи хорижий давлатларда бўлиб, кўнгилли дам олиб қайтдилар.

Куни кеча эса ўзбекистонлик ёшларнинг 76 нафари Югославия ва Германия Демократик Жумҳуриятига сайрга кетишди.

Ароқ—кулфат уруғи

МАСТ ҲОЛДА машинани бошқариш кўп ҳолларда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлишини яхши биласиз. Лекин шундай бўлишига қарамай, баъзи ҳайдовчилар май ичгандан сўнг ҳам машина бошқаришни давом эттиравеpишади.

Ўтган йил давомида давлат автомобиль инспекцияси ходимлари соғлиқни сақлаш ташкилотларининг наркология хизмати вакиллари билан биргаликда ўтказган назоратлари давомида 60 минг 631 киши машинани май ичган ҳолда бошқарганликларини аниқладилар. Бу 1988 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз кўпроқдир.

Тошкент шаҳар қурилиши бош бошқармасига қарашли 1-механизациялашган бошқармасининг ҳайдовчиси Р. Қорабоев ҳам машинани кайф ҳолда бошқараётганида давлат автомобиль инспекцияси ва наркологлар томонидан ушланди. Навбатчи механик Ҳ. Мўминовнинг гапларига қараганда гўёки ҳайдовчи ўз хоҳишича йўлга чиққан эмиш. Хайриятки, милиционерлар уни вақтида тўхтатишди. Акс ҳолда бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин эди.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг Гагарин шаҳрида ҳайдовчи А. Нахитбеков машинани маст ҳолда бошқариб, йўловчилар ташиётган автобус билан тўқнашиб кетди. Натижада олти йўловчи тан жароҳати олди.

Бундай нохуш воқеаларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Ароқ — ажал уруғи. Шундай экан, буни ҳар бир ҳайдовчи ҳамиша ёдида тутиши лозим.

Ширкатчилар қулоғини чўзиб қўйиш керак!

Кўпчилик қайси соҳа вакиллари бўлмасин ширкатчилардан нолишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, ошхоналарни олайлик. Таомлари у қадар ширин ва мазали, масаллиғи кўп бўлмасада, лекин нархи баланд. Уларни назорат қилувчи масъул ташкилотлар ҳам бу ҳолни кўра-била туриб ширкатчилар билан муросасозликка борадилар.

Яна шуниси ҳам борки, учар ширкатчиларнинг қўллари анча узун. Қаёққа узатишса етади. Ҳеч ким уларга қўй ундай қилма, қўлингни торт, дея олмайди.

Маълумки, кейинги йилларда Тошкент шаҳрининг об-ҳавоси анча бузилди, теварак-атроф ифлосланди. Сон-саноқсиз машиналардан чиқаётган газ ва тутунлар киши димоғини ачиштиради, кўнглини айнитади.

Пойтахтнинг Сергели ноҳияси ҳудудидаги Салор каналининг шундоққина ёнгинасида ёқилғи қуйиш станцияси қуриляпти. Санитария-гигиена қоидаларига мутлақо жавоб бермайдиган бу станцияни ширкатчилар бунёд этишмоқда. Жумҳурият табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг вакиллари шу ерда бундай иншоот қуриш мумкин эмаслигини бир неча бор таъкидлашларига қарамай, станцияни барпо этиш давом этаётир. Шуниси ажабланарлики, ширкатчиларнинг барпо этаётган бу қурилишларига Сергели ноҳия ижроия қўмитаси рухсат берган.

Яна бир мисол. Жаҳон Обидова кўчасининг юқори қисмида ҳам ана шундай ёқилғи қуйиш станцияси барпо этилаётир. «Қўли гул» қурувчилар теварак-атрофга гўзаллик бағишлаб турган 20-25 туп дарахтни кесиб, қурилишни бошлашди. Ёқилғи станцияси қурилишига эса Киров ноҳияси ижроия қўмитаси рухсат берган. Шуниси ажабланарлики, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам бу рухсатнома билан келишувчанлик қилган.

Агар қонуний йўл тутилса, ишбилармон ширкатчилар дарахтларни кесиб ташлаганликлари учун давлатга тахминан 300-400 сўм атрофида жарима тўлашлари керак.

«Шу сонга хабар» материалларини Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ, тайёрлаган.

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ АМЕРИКАЛИК ДЎСТИ

Америка Қўшма штатларидаги Колумбия дорилфунунининг ўзбек тили, адабиёти ва тарихи бўлими мудири, профессор Эдвард Олворс рафиқаси Жаннетхоним билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳузуридаги Бадиий таржима ва адабий алоқалар марказига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар билан марказ ходимлари Муҳаммад Али, Шариф Холмуродов, Жамол Камол, Анвар Турсун, Тошкент Давлат дорилфунунининг профессори Бегали Қосимовлар ўртасида қизғин ва дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Шуниси диққатга сазоворки, америкалик меҳмон марказ ходимлари билан соф ўзбек тилида сўзлашди, уларнинг саволларига жавоб берди.

— Жаноб профессор, сиз ўзбек адабиётининг тарғиботчиси сифатида танилгансиз. Амалга оширган ишларингиз тўғрисида гапириб берсангиз.

— Мен Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт», Беҳбудийнинг «Падаркуш», Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв» асарларини инглиз тилига таржима қилганман. Улар Қўшма Штатларда босилиб чиққан. Ўзбек адабиётига доир анчагина илмий асарлар ҳам ёзганман.

— Бундан бироз хабаримиз бор. Сиз таржима ва ташвиқ қилган шоир, ёзувчиларимизга ва шулар қатори сизга ҳам ўз вақтида анчагина тошлар отилган эди. Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди деганларидек, мана охир-оқибатда сизнинг ҳақ эканлигингиз, сизни айблаганлар эса адашиб юрганлиги аён бўлиб қолди. Домла, ҳозир ҳам ўша хайрли дўстона ишларингизни давом эттираяпсизми!

— Ҳа, албатта. Ҳозир Абдурауф Фитратнинг «Қиёмат», «Шайтоннинг тангрига исёни», «Баёни Сайёҳи Ҳинди», «Мунозара» ва «Бедил» асарларини инглиз тилига ўгириш устида иш олиб боряпман. Уларни шу йил таржима қилиб тугатсам керак.

— Бу асарлар ҳам яқин орада Америкада чоп этиладими!

— Шундай бўлса керак, аммо менда яна бошқача бир фикр бор. Бу китоблар сизнинг жумҳуриятингизда бир саҳифаси инглизча ва бир саҳифаси ўзбекча қилиб чоп этилиши мумкин. Шундай қилинганда бир томондан, Фитрат асарлари тарғиб қилинса, иккинчи томондан инглиз тилини ўрганаётган ўзбеклар ҳамда ўзбек тили ва адабиётини ўрганаётган инглиз тили соҳиблари учун ва айниқса, ўқувчилар учун фойдали бир китоб яратилган бўлурди.

— Гапларингиз тўғри, домла, аммо қалам ҳаққи, валюта деганларидек...

— Бу тўғрида гап-сўз бўлиши мумкинмас, аммо нашриёт «барибир қалам ҳаққи берилиши керак» деб оёқ тираб олса, мен ўз улушимни таржима маркази ҳисобига ўтказишларини илтимос қилган бўлардим. Хуллас, таржимамни нашр қилиш ҳуқуқини марказингизга тўлиқ ишониб топшираман.

— Ҳимматингиз учун ташаккур, домла. Келаси йил биз ҳазрати Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўраяпмиз. Сизларни лутфан шу тўйда иштирок этишга таклиф этамиз.

— Албатта, албатта келамиз. Агар Жаннетхоним рухсат берсалар... Бу тўйга қуруқ қўл билан эмас, буюк шоирнинг ижодий фаолияти тўғрисида эълон қилинган мақолаларим билан келишга уриниб кўраман.

— Домла, таржима марказимиз Колумбия дорилфунуни билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятида. Сиз бунга қандай қарайсиз!

— Жуда яхши бўларди. Ўзбек тилини ўрганаётган талабаларимиз келиб сизнинг таржима марказингизда малака оширса ва сизнинг таржимонларингиз бизнинг дорилфунунда инглиз тилига доир машқларини кучайтирса ёмон бўлмасди. Шу йўлда ҳамкорлик қилишга ҳаракат қиламиз. Аммо масалани ҳал этишга ҳозир менинг расмий ваколатим йўқ. Битим хусусида албатта раҳбарларим билан бафуржа гаплашиб, сизларга хабар қиламан. Бу ўзаро фойдали иш ижобий ҳал бўлади, деган умиддаман.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатнинг мухтасар баёнини Йўлдош ПАРДА қоғозга туширди.

Шу сонга хабар

ИҚТИСОДИЁТ ВА МИЛЛИЙЛИК

5. Келажак ҳақидаги ўй

Бир сабаб бўлди-ю, шошилинч равишда опам ва жиянимни Тошкентдан Шаҳрисабзга жўнатишга тўғри келиб қолди. Таксига ўтирдим-у, бирпасда тайёрагоҳга етиб келдим. Ҳар галгидек Шаҳрисабзга билет йўқ эди. Аммо, иложи топилди. «Қашқа» ишга тушди-ю, муаммо хамирдан қил суғургандек ҳал бўлди-қолди. Турмушдаги бундай иллатлар кўпчиликка таниш. Шу боис, бу ҳақда қоғоз қоралашга зарурат йўқ. Фойдасиз. Асабни эговлайди, холос. Шусиз ҳам асаблар таранг. Бироқ, худди ўша пойтахт тайёрагоҳида ғайриодатий бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Бунга эътиборсизлик билан қараб бўлмайди. Бундай ҳол юртимиз аҳлининг моддий шароитини ёмонлаштиради. Бу аниқ.

Ўзаро сўзлашуви, афт-ангори ва кийинишига қараганда хориждан, аниқроғи Оврўпадан келган сайёҳлар эди. Бунга қарши эмасман. Ҳар куни Ўзбекистонга юзлаб, минглаб сайёҳлар келиб кетишади. Бу яхши. Аммо уларнинг алвон, чит, полотно ва ҳоказо шунга ўхшаш матоларни тўп-тўп қилиб олдиларига уйиб қўйишлари диққатимни тортди. Оврўпалик, аниқлашимча Болтиқбўйи жумҳуриятидан келган сайёҳларнинг бундай бозор қилишларини кўрмаган ва эшитмаган эдим. Бундай бозор қилиш, маҳаллий аҳолига хос хусусият бўлиб, тўй тараддудида қилинарди.

Ажабланарли томони шундаки, ҳозир Болтиқбўйи жумҳурияти вакиллари СССРнинг ҳар қандай бурчагида бемалол савдо-сотиқ қиладилар-у, айни вақтда бошқалар улар ҳудудида бундай ҳуқуққа эга эмаслар. Масалан, ўзбекистонликлар пахтасидан ишланган оддий пайпоқ ёки майкани Вильнюсдаги дўконлардан харид қилолмайдилар. Сабаби, 1989 йил августдан бошлаб бутун Литва ҳудудида савдо-сотиққа паспорт усули жорий қилинди. Бунга мувофиқ сотувчилар молни сотиб олишингиздан олдин сиздан паспорт талаб қилади. Агар харидор сифатида ўша ерлик бўлмасангиз сизга ҳеч нарса сотилмайди. Сизнинг харид қилиш ҳуқуқингиз чекланган, камситилган. Шўро пуллари ўз қадрини, кувватини йўқотади. Айни пайтда ўша пуллар болтиқбўйиликлар қўлида харид қилиш имконига тўла ҳақлидир. Шундай экан, Ўзбекистондан ҳар хил буюмлар, хом-ашё ва деҳқончилик маҳсулотлари вагонлаб бошқа юртларга ташилинаверади. Худди шундай ҳол Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистонда ҳам кузатилиши мумкин. Бунинг ўз мантиқи ва сабаблари бор. Шу боис Олой бозори билан Москва ёки Ленинград бозорларидаги нарх-наво орасида фарқ йўқ ҳисоби.

У юртдан бу юртга маҳсулот ва мол-мулкнинг оқишига учта сабаб бор.

Биринчиси, ўлкаларнинг табиий шарт-шароитлари билан боғлиқ. Ўрта Осиёда табиат инъомлари, қуёш нурлари Оврўпага нисбатан 4—5 карра ортиқ. Бу эса деҳқончилик маҳсулотларини шунча даражада арзон ва кўп етиштириш имконини беради. Ва ўз навбатида бу маҳсулот баҳосига, нархига таъсир қилади. Бундан уддабурон киши яхшигина фойда олиши мумкин. Худди шу фойда аждаҳоси жумҳуриятимиз бозор ва дўкон пештахталарига қўйилган маҳсулотларни бир зумда ямлаб юборади. Иқтисодиётни бизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ бўлмаган қонунияти бор, қаерда маҳсулот қиммат бўлса ўша ерга у дарёдек оқаверади. Поезддами, тайёра ёки автобусдами, сотувчи, харидор ўзбекистонлик ёки литваликми, бунинг аҳамияти йўқ.

Иккинчи сабаб. Умуман СССР бозорининг тақчиллиги, дўконларнинг бўм-бўшлиги, тўғрироғи керакли буюмнинг йўқлиги ва аҳоли пул даромади билан ишлаб чиқарилган маҳсулот орасидаги мувозанатнинг аллақачон бузилганлигидир. Ҳозир СССРда ишлаб чиқилаётган ҳар бир сўмнинг атиги 33 тийини товар билан таъминланган. Бу ортиқча пуллар ё омонат кассаларида ёки кўрпанинг қатидан, сандиқдан макон топмаса, нарх-навони ошириб, олибсотарликни кучайтириб, пулни қадрсизлантириб юборади. Ширкатчилар ва аппарат ходимларининг узлуксиз ва назоратсиз ўсиб бораётган иш ҳақлари дард устига чипқон бўлди. Биргина Ўзбекистон бўйича бир йилда, омонат кассаларига қўйиладиган пул миқдори бир миллиард сўмга кўпайди. Бу эса олдинги йилга нисбатан 2—2,2 баравар кўп демакдир. Лекин, сотувдаги маҳсулот деярли кўпаймади.

Маҳсулот оқимини ҳаракатга келтириб турувчи учинчи сабаб СССРдаги ягона пул бирлигидир. Юқоридаги ҳолатларни англаб етган Болтиқбўйи иқтисодчилар ёрдамида савдода паспорт усулини СССРда биринчи бўлиб қўллади. Ва ҳозир ўзларининг янги пул бирлигини ишлаб чиқиш арафасидалар. Бояги сайёҳларнинг тўп-тўплаб материал савдо қилиши пуч шўро пулларидан тезроқ қутулиш истаги билан тушунтирилади. Шундай ҳол яна бир-икки йил сақланиб қолса, халқимиз етиштирган маҳсулот ўзлари учун музейдаги буюмларга ўхшаб қолади. Уни эса фақат томоша қиладилар, олдига яқинлашиб бўлмайди. Акс ҳолда жарима тўлашга тўғри келади. Юртимиз аҳолисининг моддий шароитлари кескин ёмонлашади. Чунки, Ўзбекистонда ҳар бир ишловчи болтиқбўйиликларга нисбатан кам иш ҳақи олади. Бунинг устига ўзбек оилаларидаги бир этак болаларни қўшсак. Улар билан бизнинг дастурхонимиздаги фарқ 5—6 мартага ортади. Ва бизнинг фойдамизга эмас. Шунинг учун бугунги кунда иқтисодиёт чироқларини кўтариб ҳукуматга йўл кўрсатиб турган олимларимиз ва раҳбарларимиз хохлайдиларми ёки йўқми Ўзбекистон пул бирлигини ишлаб чиқишга мажбурлар. Буни англаб етмаслик оғир оқибатларга олиб келади. Етиштирилган маҳсулотни бошқа юртларга сувдек оқиб кетишини, паспорт, талон, чек ёхуд назоратчи ва милиция ходимлари ёки шлагбаумлар билан тўхтатишнинг илож-имкони йўқ. Унга тўғон бўладиган ягона ва самарали восита — Ўзбекистон пул бирлигидир. Икки мисол. Биринчиси. Совун савдоси. Таллон. Хуфёна иқтисодиёт ва фойда аждаҳоси олдида оддий бир кўп бўлса муҳр босилган қоғоз холос. Ҳақиқатан ҳам совун Ўзбекистонда 1987—1989 йилларда ҳар йили олдинги вақтларга нисбатан 15—20 минг тонна кўп ишлаб чиқилди ва четдан сотиб олинди. Лекин совун йўқ. Чайқовга чиқиб кетди. Нима, қайта қуриш йилларида одамлар кўпроқ ювиниб, чўмиладиган бўлиб қолдиларми? Йўқ.

Иккинчи мисол. Ҳозир баъзи буюмларни сотишга паспорт ёки рўйхат усули жорий қилина бошланди. Болтиқбўйиликлар сингари. Самарасиз ва адолатсиз восита. Чунки, Ўзбекистоннинг салкам ярим аҳолиси фуқаро эмас, шу боис паспортлари йўқ. Улар гражданлиги қабул қилмаган лўлилар эмас. 16 ёшга тўлмаганлар. Амалдаги қонун-қоидаларга кўра улар паспорт олмайдилар.

Менинг назаримда, Ўзбекистон пул бирлигини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш вақти аллақачон етиб келган. Юртимиз бозор ва дўконларини ҳамда бу орқали нарх-наво ҳамда одамларимизни моддий ва ижтимоий ҳаётини қўриқловчи энг яхши восита Ўзбекистондир. Энг арзон ва самарали йўл шу.

«Ўзбекистон» вазифаси тўғон ролини ўйнаш билан чегараланмайди. У жумҳурият бюджетининг даромад ва буромадини ҳам мувозанатлаштиради. Ақл билан иш кўрилса бас. Ҳозир бу вазифани Иттифоқ вазирликлари амалга оширишади. Юқорида таъкидланганидек, жуда нўноқ бажаради. Иқтисодиёт қонунларидан бири шундаки, даромад билан буромад орасида имкон борича мувозанат бўлиши шарт. Ҳозир СССРда маҳсулотдан кўра пул 2,5—3 баравар кўп ишлаб чиқилмоқда. Шу сабаб, кундалик ҳаётимизда ишлаётган пул лотарея билетига ўхшаб қолган. Ҳар учинчи кишигагина ютуқ чиқиши ва бирор нарсани дўкондан харид қилиши мумкин. Шу боис кейинги вақтларда иш ҳақи ошгани билан турмуш анчагина оғирлашди. Ҳозирги 100 сўмнинг қуввати, бурунги 30 сўмга баробар. Бу эса ҳақиқий инқироз. Ушбу муаммони ҳал қилишда жумҳурият органлари ҳам аралашуви шарт. Хўжалик ҳисобига ўтган жумҳуриятларнинг вазифаси бўлиб қолмоғи керак — бу.

Жумҳурият пул бирлигини ишлаб чиқишга қарши, маълум бир маънода мантиққа эга бўлган икки далил бор. Биринчиси. Жаҳондаги барча федерал давлатларда ягона пул бирлиги амал қилади. Иккинчиси, Ғарбий Оврўпа мамлакатлари ҳозир ягона пул бирлигига ўтишмоқда ва бу илғор йўналишдир, деган қарашлар бор. Тўғри, шундай. Иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан фойдали бу нарса. Лекин, у ердаги бозор таъминоти билан СССРдаги бозор таъминоти ва федерал тузилиш орасида ер билан осмонча фарқ ҳам бор. Маълум бир вақтлардан кейингина, бозор қилиб тўлгандан сўнггина биз ҳам яна қайтиб ягона пул бирлигига ўтишимиз мумкин. Ҳозирги бозор билан бир хил пул бирлигида иш юритиш, музофотлар моддий ҳаётини тақақалаштириб юборади. Иқтисодий ва сиёсий мустақилликка ўтган ва ўтаётган жумҳурият ҳукуматининг вазифаси эса, авваламбор ўша ерлик аҳолининг турмушини яхшилаш шарт. Акс ҳолда мустақилликдан ҳеч қанақанги наф йўқ. Афсуски, яқинда бўлиб ўтган ва асосан Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига бағишланган халқ депутатларининг 1-сессияси бу масалага умуман эътибор бермади.

Иқтисодий мустақилликка ўтган жумҳуриятнинг пул бирлиги қандай бўлиши, керак? Ва қандай муомалага кирмоғи зарур! Жумҳурият пул бирлиги иттифоқ пул бирлиги билан эркин алмашадиган бўлиши лозим. Ва аксинча. Банклар уларнинг алмашувига тўсқинлик қилмаслиги ва ҳар бир кишининг хоҳишига қараб алмаштириб бериши даркор. Бундай вақтда улар орасидаги нисбат қандай бўлиши биринчи ўринга чиқади. Иқтисодий ва банкирларнинг вазифаси бу нисбатни тўғри аниқлаб олиши ва уни ҳаётга тадбиқ қилишдир. Иқтисодиёт нуқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, қайси жумҳурият ишлаб чиққан маҳсулот сифатли ва эҳтиёжга жавоб берса ўша жумҳурият пул бирлигининг қуввати ошаверади. Бу эса Иттифоқ ва жумҳурият пул бирлигининг нисбатини аниқлаб беради. Масалан, «Ўзбекистон»нинг биттасига иттифоқ сўмининг учтаси алмашиши ва аксинча бўлиши мумкин.

Ишончим комилки, Ўзбекистон бундан ютқазмайди. Бошқа жумҳуриятларга нисбатан асъор ишлаб олишига беқиёс катта имкониятга эга. Бу эса жумҳурият асъор заҳирасини кўпайтира олади. Иқтисодий мустақилликка эга бўлган ҳар қандай жумҳуриятнинг мақсади аслида мана шу. Менинг ҳисобимча ҳозир Ўзбекистон ҳар йили энг камида икки миллиардгача асъор ишлаб олиш имконига эга. Агар буларни ҳозиргидек чет элдан латта-путта сотиб олишга эмас, техника, технология ва маҳаллий кадрларни тайёрлашга сарф қилсак яқин ўн-ўн беш йил орасида саноат ва қишлоқ хўжалигини тўла замонавий асосда қуриш мумкин. Шу йўл ишлаб чиқариш унумдорлигини 2—3 баравар оширса, хотин-қизларни ишлаб чиқаришдан озод қилиб болалар тарбияси вазифасига ўтказиш мумкин. Бундан хотин-қизлар ҳуқуқи камситилмайди. Аксинча уларга ҳурмат, эътибор ошади. Чунки таълим ва тарбияга биринчи галда эътибор берган жамиятгина яшаш ҳуқуқига эга. Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай жамиятнинг иккита асосий функцияси (вазифаси) бор. Биринчиси, ишлаб чиқаришни, иккинчиси эса инсонни такрор ишлаб чиқаришдир. Иккинчи вазифа биринчисидан кўп карра муҳимдир. Афсуски буни ҳамма ҳам тушунишга ҳаракат қилмоқдамиз. Капиталистлар буни аллақачон тушуниб етишган. Ҳар ўқувчининг таълим-тарбиясига АҚШ 45 минг долларгача сарф қилади ва улар Лениннинг «Таълим ва тарбияга сарф этилган капитал энг кўп фойда келтирувчи капиталдир» — деган сўзининг ҳаётийлигини амалда исботладилар. Энг ўқимишли ва билимдон халқгина озод ва ҳур халқ бўлиши мумкин. Бошқа йўл йўқ. Ўзбекистон шароитида тўртта ва ундан ортиқ боласи бўлган аёлни ишлаб чиқаришга тортгандан кўра фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланиши минг марта афзал ва иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Ва у халқ хўжалигида ишловчилар сингари барча ижтимоий имтиёзлардан тўла фойдаланишга ҳақлидир. Ижтимоий имтиёз деганда иш ҳақи, уй-жой, пенсия, билим, тиббиёт ёрдамлари тушунилади.

Жумҳурият пул бирлиги Ўзбекистонни биқиқликка, ажраб қолишга олиб келади дегувчилар ҳам бор. Ва бунга улар кўпроқ сиёсий тус берадилар. Бу муаммони кўпроқ иқтисодий нуқтаи-назардан талқин қилмоқ керак. Жумҳуриятларнинг алоҳида пул бирлиги бўлиши уларни иқтисодий жиҳатдан кўпроқ яқинлаштиради. Ўзаро гумонларга чек қўяди. Гумонда қурилган иқтисодий алоқа узоққа боролмайди. Бўхтонга учрайди. Миллий манфаатлар чекланган гўё. Бу эса охир-оқибатда миллатлар орасига нифоқ солади ва миллатчиликни келтириб чиқаради.

1990 йил биринчи квартали якунлари шуни кўрсатдики, ҳукумат ишлаб чиққан иқтисодиётни соғломлаштириш режаси ишламаётир. У депсиниб қолди. Энди, бозор муносабатлари ва қонунларини жорий қилиш вазифалари бажарила бошланади. Келажакда бу йўл асосий йўналиш бўлиб қолади. Ва яқин беш-олти йил орасида нарх-наво яна ошиши мумкин. Шу жиҳатдан Болтиқ сайёҳларини қораламоқчи эмасман. Қандини урсин. Уддабурон улар. Чунки, ҳозир заҳира қилиб қўяётган маҳсулотлар кейинчалик 3—4 баробар фойда келтиради. Биз эса иқтисодиётдаги бу йўналишни англаб етмадик. Бечора бир кузатувчи сифатида иш юритаётирмиз. Иқтисодий саводсизлигимиз жуда панд беради, энди. Жуда қимматга тушади.

Такрор айтаман, тезда «Ўзбекистон» пул бирлигини ишлаб чиқиш зарур. Ҳар бир жумҳурият шу йўлни тутади. Бунга улар мажбур. Бу объектив ҳодиса. СССР бозори яхшилангандан сўнггина яна ягона пул бирлигига қайтиш мумкин. Бу олдинги иқтисодий муносабатларга ўхшамайди. Бутунлай бошқача замонавий пойдеворда қурилади. Абадий дўстлик шундан кейингина бошланади. Бу эса ҳаводек зарур.

Фарҳод РУЗИЕВ,
«Ёш ленинчи»нинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси, иқтисод фанлари номзоди.

РЕДАКЦИЯДАН: Мана, Сиз ёш олимнинг фикрлари билан танишдингиз. Мақолаларнинг мунозарали жойлари бўлиши табиий. Қайси ўринларда эътирозларингиз бор ёки фикрдошсиз? Бизга ёзинг. Токи, баҳсларимиз жумҳурият равнақига хизмат қилсин.

Хушхабарлар

АНДИЖОН вилояти Москва ноҳиясидаги Шаҳрихон ноҳия марказида янги шаҳар телефон станцияси қуриб битказилди. Ихтисослаштирилган кўчма механизациялаштирилган колонна алоқачилари қурилмаларни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишларини бошладилар. АТС абонентлар миқдорини 2 мингдан 6 мингга етказиш имконини беради. Шаҳрихондаги Алоқа уйи вилоятдаги алоқа уйларининг ўн биринчисидир. Пахтаобод ва Комсомолобод ноҳияларида яна иккита янги АТС қурилади.

БЕКОБОДЛИК цементчиларнинг элликдан зиёд оиласи янги квартираларга эга бўлишди. Уй Бекобод цемент комбинати олган даромад ҳисобидан қурилди. Беш йиллик бошидан буён корхонада уй-жой қуриш плани бир ярим баравар ошириб бажарилди. Даромад ҳисобидан физкультура-даволаш комплекси ва чойхона ҳам бунёд этилаяпти, яқин орада эса болалар боғчаси қуриш мўлжалланган.

АНГРЕН шаҳар рўзномаси ва табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий қўмитаси ходимлари Ангрендаги экология вазиятини бузувчиларга қарши курашнинг ўзига хос усулини топдилар. Энди ҳар ойда бир марта «Ангренская правда» саҳифаларида атроф-муҳитни булғаётган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати эълон қилиб борилади. Бунда айбдорларнинг аниқ номларигина айтилиб қолмасдан, шу билан бирга ҳавога қанча зарарли чиқинди чиқариб юборилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам берилади.

МУБОРАК газни қайта ишлаш заводида жорий этилган технология муаллифларига табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиғи ва пул мукофоти берилди. Бу технология ёрдамида олтингугуртли бирикмаларнинг ҳавога чиқариб юборилишини камайтиришга муваффақ бўлинди. Энди таркибида олтингугурт миқдори кам бўлган газлар тўпланиб, улардан тақчил олтингугурт олинаяпти. Технологияни «Средазниигипрогаз» ва Муборак газни қайта ишлаш заводи мутахассислари ишлаб чиқишган.

ЧИРЧИҚДАГИ «Ўзбекхиммаш» заводида табобат кислородли бароаппаратининг янги тажриба намунаси тайёрланди. Уни «Средазниигидромаш» институти мутахассислари корхона конструкторлари билан биргаликда ишлаб чиқишди. Илгариги шундай аппаратлардан фарқ қилувчи янги барокамера фойдаланишда ишончли бўлиб, микропроцессорли автомат бошқарув системаси билан жиҳозланган.


СИРДАРЁ рефрижератор депосининг ходимлари ўз даромадларининг 15 минг сўмдан кўпроқ қисмини «Ленинград» давлат хўжалигидаги болалар уйи ҳисобига ўтказдилар. Шу маблағни ярми телевизорлар, радиоаппаратлар, спорт анжомлари сотиб олишга сарфланди. Депо меҳнат жамоаси кенгашининг қарорига биноан энди темирйўлчилар болалар уйини ўз оталиқларига оладилар.

АҲОЛИНИ ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш Ангрен шаҳар марказида жорий этилган автоматлаштирилган бошқарув системаси меҳнатга лаёқатли ишсиз аҳолини номма-ном рўйхатга олишда, корхоналарда қанча бўш ўрин борлигини аниқлашда ёрдам беради. Бундан ташқари, электрон-ҳисоблаш техникаси зиммасига уюшган тарзда қабул қилиниб, мамлакатимиз бошқа минтақаларига ишга кетаётган кишиларни назорат қилиш ва рўйхатга олиш ҳам юклатилади. Илгари ишни бир неча киши аранг уддалаган жойда, энди ЭҲМ бўйича биргина мутахассис ишлаяпти, холос.

ШАРҚИЙ Қурама геология-разведка экспедициясининг Юсуп Боғиев бошлиқ бригадаси бурғиловчилари қўшалоқ байрамни нишонладилар. Иш якунларига кўра, ўтган йили бу жамоа Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби деб топилган эди. Ой бошларида эса бригада беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди. Бригада бошлиғига эса «СССР Геология вазирлигининг энг яхши устаси» номи берилди.

Мазкур жамоа кейинги йиллар мобайнида мусобақадаги совринли ўринларни мустаҳкам эгаллаб келмоқда. Ишчилар фақат ўтган йилнинг ўзида 9,5 минг метрдан зиёд қудуқ қазидилар. Бу — план кўрсаткичларидан деярли икки баравар кўпдир. Бригадага энг мураккаб участкаларда ишлаш топширилади. Бу ерда юксак профессионал маҳорат, ҳар бир ишчи бир-бирининг ўрнини боса олиши, техникадан оқилона фойдаланиш ҳисобига жадал суръатларга эришилмоқда. Бурғиловчилар ўзларининг ўтган йилги рекордларини ҳам ортда қолдириб, ўн минг метр қудуқ қазиш кўрсаткичига эришишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).



Қўқон шаҳар комсомол қўмитаси ҳузурида хўжалик ҳисобидаги «Нилуфар» ёшлар маркази фаолият кўрсата бошлади.

— Марказнинг асосий мақсади ёшларга унутилиб бораётган халқ ҳунармандчилигини ўргатиш. Косиб, кулол, наққош, ўймакор каби бебаҳо ҳунар эгаларини тайёрлаш, — дейди марказ директори Муҳаммадали Отахонов. — Афсуски, қатор йиллар мобайнида бу ишга панжа орасидан қаралди.

Дилмурод Аҳмедов (суратда) эса марказнинг ўймакор усталаридан. У жило берган турли хил буюмлар бир неча бор кўргазмаларда намойиш этилган. Дилмурод машҳур уста Қодиржон Ҳайдаров қўлида таҳсил олган. Ҳозирда эса ўз ҳунарини ёшларга, мактаб ўқувчиларига ўргатмоқда.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

Фарзанд ўғрилари аниқланмоқда

«Ҳурматли редакция! Сўнгги умидимиз сизлардан. 1989 йил 12 июль куни ўғлим Жамшид (4,5 ёш) ва Искандар (3 ёш) йўқолиб қолди. Мана тўрт ойки, жигаримиз қон, — деб ёзади **Қашқадарё вилояти Ғузор ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигининг Жонбулоқ қишлоғида яшовчи Шавкат ЧОРШАНБИЕВ.** — Лекин, биз гумон қилган кишилар Холида Чоршанбиева ва унинг турмуш ўртоғи Шуҳрат Худоёровни ноҳия милиция бўлимига чақиртирмаяпти. Бизларга ҳеч ким ёрдам бермаяпти. Охирги ишончимиз сизлардан. Фарзандларимизнинг оиламизга қайтишига ёрдам беришларингизни сўраймиз».

Ушбу шикоят хатини текшириб, чора кўриш учун **Қашқадарё вилояти, Ғузор ноҳияси прокуратурасига** юборгандик.

Яқинда **Ғузор ноҳияси прокурори вазифасини бажарувчи А. СОДИҚОВ** имзоси билан қуйидаги жавобни олдик.

«Ғузор ноҳия ички ишлар бўлими терговчиси, милиция катта лейтенанти Э. Пардабоев томонидан Охунбобоев номли давлат хўжалигининг Жонбулоқ қишлоғида яшовчи фуқаро Шавкат Чоршанбиевнинг фарзандлари Жамшид ва Искандар 1989 йил 12 июль куни номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилганлиги факти бўйича 1989 йил 15 июль куни ЎзССР ЖКнинг 107-моддаси билан жиноий иш қўзғатилган.

Жиноий иш бўйича ноҳия прокуратураси ва вилоят прокуратураси тергов бўлими томонидан терговчига ёзма кўрсатма берилган ва ҳозирги вақтда жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Гумон қилинган Холида Чоршанбиева ва унинг турмуш ўртоғи Шуҳрат Худоёровнинг қонунсиз ҳаракатлари оператив тергов йўли билан текширилмоқда.

Ушбу жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш ноҳия ички ишлар бўлими бош терговчиси И. Элмуродовга топширилди»,

Оқпадар

«Менинг ёшим 66 да, чолимники эса 68 да, — деб ёзади **Сурхондарё вилоятининг Олтинсой ноҳияси, К. Маркс номли давлат хўжалигидаги Чинор қишлоғидан онахон Жумахол Ражапова.** — Чолим икковимиз 8 фарзандни вояга етказдик. Лекин бугун мен сизларга оқ ювиб, оқ тараб ўстирган ўз фарзандим Абдурайим устидан шикоят ёзаяпман. Ҳеч қачон ўз фарзандим мени уриб бошимни ёради, деб ўйламагандим. Афсус, кўргулик экан. 1989 йил 28 июль куни ўғлим Абдурайим оғаси билан мени ҳақоратлаб кетди. Кўп ўтмай қизим Аширгул Соатова келди. Мен унга акасининг қилмишини айтдим. Қизим акасига нега ундай қиласиз, деган экан, уни ҳам калтаклабди. Сўнг мен аралашдим. Ўғлим Абудурайим «ҳаммангни ўлдираман» деб пичоқни олиб уйдагиларни ҳақорат қилди. Калтакдан сўнг синглиси Аширгул 12 кун касалхонада ётди. Ҳурматли редакция! Ички ишлар органларига ўғлимнинг қилмиши ҳақида бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин фойдаси бўлмади. Ўғлим қачонгача бизни хўрлайди?»

Ушбу шикоятни текшириш ва чора кўриш учун **Сурхондарё вилояти Олтинсой ноҳияси прокуратурасига** юбордик. **Ноҳия прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Т. ЖАББОРОВ** имзоси билан қуйидаги жавобни олдик:

«Аризада қайд қилинган фактлар тўғрисида, ариза муаллифлари прокуратурага таклиф қилиниб, суҳбатлашилганда фактларнинг тўғрилигини тасдиқлашди. Ноҳия ички ишлар бўлимидан Аширгул Ражабованинг аризаси асосида тўпланган материал чақириб ўрганилди.

Текширишда мазкур ариза асосида суриштириш олиб борган ноҳия ички ишлар бўлими участка инспектори, милиция лейтенанти Шаҳриёр ЖЎРАЕВ юзакичиликка йўл қўйиб, ўз вазифасини етарли даражада бажармасдан Абдурайим Ражабов ҳамда унга таниш бўлган Абдухалил Дубаровнинг «жабрланувчи Аширгул Соатовани ҳеч ким урганн йўқ, у ўзи-ўзига енгил тан жароҳати етказган» деб берган кўрсатмасига асосланиб, жанжалда Абдурайимни айби йўқ, деган фикр билан тўпланган материал юзасидан ЎзССР ЖПКсининг 5-моддаси 2-банди билан қарор чиқарган.

Бу қарор асоссизлиги сабабли бекор қилиниб, тўпланган материаллар қўшимча текшириш олиб бориш учун ноҳия ички ишлар бўлимига юборилди.

Аризани текширишда қонунсизликка йўл қўйганлиги учун Шаҳриёр Жўраевни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ноҳия ички ишлар бўлими бошлиғига юборилди».

Қайта терговга юборилди

«Ўғлим Эшпўлат Қўчқоровдан бевақт айрилиб қолдик. Фожиа автоаварияда юз берди. Ўғлим 1988 йил 22 декабрь Косон — Қарши йўлида «ВАЗ — 2106» машинасини бошқариб бораётганда, «ГАЗ — 24» машина эгаси Зокир Эронов уни қасддан қисиб йўлнинг ўртасига чиқариб юборган. Оқибатда ўғлим, қарама-қарши томондан Ғофур Ҳакимов бошқариб келаётган «ВАЗ — 2107» маркали машинага урилиб, тан жароҳати олган ва касалхонага етмасдан жон берган.

Ўғлимнинг ўлимига сабабчи бўлган Зокир Эронов, ўз жиноятини яшириш мақсадида Муборак ноҳия Давлат инспекцияси бошлиғи бўлиб ишлаётган акаси Шуҳрат Эроновни ишга солди. Мен бу ҳақда жумҳурият Ички ишлар вазирлигига мурожаат қилдим. Аммо, Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг терговчиси А. Қўзиев **«Зокир Эронов машиналарнинг тўқнашганини сезмаган»** деб жавоб қайтарди. Мен ёрдам сўраб жуда кўп ташкилотларнинг эшигини қоқдим. Лекин ҳеч биридан ижобий жавоб ололмадим. Орадан йиллар ўтаяпти, лекин вилоят, ноҳия тергов ходимлари мен, жабрдийда отани фалокат содир қилган кишилар билан учраштирмаяпти. Ҳақиқат борми бу дунёда?!.»

Ушбу шикоятни текшириб чора кўриш учун **Қашқадарё вилояти прокуратурасига** юбордик. **Яқинда вилоят прокурори ёрдамчиси А. ҚАҲҲОРОВ** имзоси билан жавоб хати олдик.

«Ушбу факт юзасидан Косон ноҳия ички ишлар бўлими томонидан 1988 йил 22 декабрда Ўзбекистон ССР ЖКнинг 208-моддаси иккинчи банди билан жиноий иши қўзғатилиб, Косон ноҳия ички ишлар бўлими ва вилоят ички ишлар бошқармаси терговчилари томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилган. Тергов натижасига кўра жиноий иш бир неча марта ЎзССР ЖПКнинг 5-моддаси 2-банди билан ҳаракатдан тўхтатилган. Охирги марта жиноий иш вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими терговчиси А. Қўзиев томонидан 1989 йил 24 июнда бекор қилинган.

Тергов органининг бу қарори вилоят прокуратураси томонидан асоссиз деб топилди ва 1990 йил 7 февралда бу қарор бекор қилиниб жиноий иш қўшимча тергов ўтказиш учун вилоят ички ишлар бошқармасига юборилди».

...«Бегоналарнинг кириши қатъиян ман этилади». Бундай жойларга кириб-чиқиш ҳам осонмас. Илтимосномалар ёзавериб чарчайсиз. Кутишлар. Ниҳоят бир парча қоғоз тутқазишади: «Киришга рухсат берилсин!»

Олдиндан айтиб қўяйлик: ҳозир гап фалон идоранинг нуфузли раҳбари қабулига киролмай, дарду-ҳасратини айтолмай «Дунёда ҳақиқат борми ўзи?» деб жону-жаҳони куйиб, сўнгги умиди узилиб кетаётган адолатталаб кишилар ҳақида эмас. Шунингдек, турғунлик йилларида «Хитой девор»ларидан ҳам мустаҳкамроқ, овоз етмас жойларга айланган идоралар ҳақида ҳам эмас.

Бугунги кунда ҳаммамиз зорланиб: «Ҳозирги ёшлар ёмон. Улар жуда бебош бўлиб кетишяпти. Нега болалар колониялари фақат бизнинг мамлакатда кўп? Нега ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари йил сайин камайиш ўрнига ортиб боряпти? Нега?!».

«Бу «нега», «нега»ларга жавоб топишнинг ўзи бўлмайди. Очиғи, гап ана шу сизу-бизни ташвишга солаётган болалар колонияларидан бири ҳақида...

... Қанот ва Марат Урманбетовлар — ака-ука. Ҳозир бири 19 ёшда, иккинчиси — 16 да. Қирғизистоннинг Пржевальск шаҳрига қарашли Оқсув ноҳиясидан. Қанот етти йилга, Марат эса беш йилга озодликдан маҳрум этилган. Улар ўз падари-бузрукворларини чопиб ўлдиришган...

МАРАТ:

— У вақтда мен 14 ёшда эдим. Оиламизда олти киши яшардик. Онам уй бекаси. Акамларнинг бири армия хизматида, яна бири Москвада ўқирди. Отамнинг мутахассислиги стоматолог эди. Аммо тайинли жойда ишламасди. Ярим ставкада қаердадир ишлардиям. Энг даҳшатлиси, у кунора уйга ичиб келар, онамни, бизларни аёвсиз калтаклаб, хўрларди. Онам бечора зорланарди: «Эҳ, шу ёшгача бирор марта ёруғроқ кун кўрмадим-а? Нима қилайин, пешонам шундай шўр экан» деб. Бизларнинг ҳам кўзимиз қотиб қолган эди. Ҳар куни шу аҳвол. Ўрганиб қолувдик. Шом тушиши билан бирор хилватроқ жойга, ё ўртоқларимизникига қочиб кетардик. Дўстларимизнинг бирортаси бизникига келмасди. Эсимизни таниб, оқ-қорани ажратадиган бўлганимиздан кейин ҳам отам «тузалмади». Онамни бир неча марта унинг калтакларидан қутқариб ҳам олдик. Гоҳо аламидан бизларни ҳам қувлар, тутиб олса сира шафқат қилмасди. Доимо «Ҳаммангни ўлдираман!» деб дағдаға қиларди.

1987 йилнинг 6 октябрь куни яна у қаттиқ ичиб келиб тўполон қила бошлади. Бизнинг шундоқ кўз олдимизда онамни шундай аёвсиз калтакладики, охири чидаб туролмадик. Қанот акам уни болта билан... Уёғини айтолмайман, илтимос, сўраманг. Шундоқ ҳам ўша кунни эсласам, юрагим музлаб кетади...

Марат йиғлайди. Ёнимизда Қанот. Бошлари ерга қадалган. Ака-укага термуламиз. Марат ўз ёшига нисбатан анча улғайиб қолгандек, акаси бир оз босиқ, вазмин, камгап. Савол берсангизгина аранг, истамайгина жавоб беради.

— «Ўз отасини ўлдириш». Бу дунёда энг оғир ва ҳеч қачон кечириб бўлмайдиган гуноҳлардан бири эмасми?

ҚАНОТ:

— Албатта. Энг оғир. Биз, шахсан мен умримнинг охиригача ўзимни кечиролмайман. Чунки ўз отамни ўлдирдим. Нима қилай? Гоҳо тунлари даҳшатли тушлардан босинқираб уйғониб кетаман. Тушларимга отам кириб чиқади. Пушаймонман. Кўз олдимда у қўлларини бигиз қилиб; «Эҳ, болам-а, сенларни шу ниятда дунёга келтирган эдимми-я?» деяётгандек.

Онамни ўйлаб шундай қилдик. Бўлмаса у барибир бу хўрликларга чидолмасди. Таёқдан ўлиб кетарди. Бир умр қийналиб яшагандан кўра, бир кунда куйса-куйсин деб шу ишга қўл урдик...

— Сизларга берилган ҳукм муддатлари адолатли деб ўйлайсизларми? — деб савол берамиз иккисига ҳам.

— Нима десам экан? Албатта. Лекин икковимиздан кўра биттамизни кесишганида бўларди-ку? — дейди Қанот узоқ жимликдан сўнг. — Ахир онамнинг дарди шундоқ ҳам бир умрга етиб ортади. «Ўлганнинг устига тепган»дай биз иккимизни ҳам узоқ муддатларга ҳукм қилишди. Энди унга қийин.

Ҳозир колонияда яхши ишлаяпмиз. Иккимиз ҳисоб дафтарчамизга тушадиган пулдан баҳоли-қудрат юбориб турибмиз...

Зангиота меҳнат-тарбия муассасаси. Бу ерда 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўз «хизмат» муддатларини ўтайдилар. Шу куни биз колонияга эндигина ташриф буюрганлар билан ҳам танишдик.

— Маст эдим. Қаршимдан чиққан боланинг курткасини қандай олиб қочганимни билмайман. Кейин тутиб олишди...

Бизга ўзини Рамзиддин деб таништирган, эндигина 16 ёшга тўлган ўсмир шундай ҳикоя қилади. Унинг назарида гўё «осмон узилиб ерга тушмагандек». Ўзи алоҳида урғу бериб таъкидлаганидек «йигит киши ичганидан кейин бундай арзимас ҳодисалар бўлиб туради-да».

Шунда беихтиёр савол туғилади. Бу ўсмирни мана шу боши берк кўчага етаклаган жамиятми ё уни оқ тараб, оқ кийгизган муштипар ота-онасими, ёки бўлмаса сизу-биз йиллар давомида мақтаб келган «тарбия маскани, қадрдон мактабими?» Жавоб ҳам бирданига топилавермайди...

Албатта, бировни бир лаҳзада ёмонотлиққа чиқариш ҳеч гап эмас. Шунингдек, икки оғиз илиқ сўз билан мақтаб қўйсангиз дунёда ундан бахтлироқ одам ҳам йўқдек. Бизнинг:

— Ўзинг содир этган жиноят сени мана шу тўрт томони ёпиқлик, «дунё бехабар» жойга, қолаверса, қамоқхонага етаклаб келишини билармидинг?» деган саволимизга Рамзиддин пинагини ҳам бузмасдан шундай деб жавоб берди:

— Бу ернинг нимаси қўрқинчли экан? Кўряпсизлар-ку. Яна бир томони дўстларимнинг кўпчилиги шу ерда. Ҳатто маҳалламиздан, ўзим ўқиган мактабдан ҳам болалар бор...

«Мен нима дейман, қўбизим на дейди» деган мақолни эшитганмисиз? Энди изоҳга ҳожат ҳам бўлмаса керак.

Ҳеч ким дунёга ўғри ёки каззоб, қотил бўлиб келмайди. Корейс йигити Пётрни ҳам яқинда бу ерга олиб келишибди. Безорилик қилгани учун уни Чилонзор ноҳияси халқ суди уч йил озодликдан маҳрум этибди. Уч йил. Оз муддатми? Ана шу беҳудага кетадиган уч йилда Пётр нималар қилишга улгурарди-я? Тўғриси, у ҳали ёш бўлгани билан анча ақли кириб қолган. Ҳатто уйланишга ҳам улгурибди. Хотинини кўриб раҳмингиз келади. Биз билан учрашган кунлари улар фарзанд кутишаётган экан. Шу куни эса ота-онаси, турмуш ўртоғи кўргани келибди.

Вақт белгиланган. Йўл бошловчиларимиз — колония мутасаддилари бизни улар ўтирган хонага бошлашди. Нима деймиз? Ҳатто ўртадаги аламли жимликни бузишга қўрқади, киши. Шундоқ ҳам ота-онанинг кўнглига чироқ ёқсанг ёримайди. Бўлар иш бўлган. Кутилмаган воқеа айниқса отасини анча довдиратиб қўйди. Мунис онаизорнинг кўзлари тўла ёш. Даҳшатли сукунат. Очиғи, «Ўғилларингиз қандай жиноят содир қилиб бу ёққа келди» деб сўрашга ҳам ботинолмадик. Ёшлар рўзномасидан эканлигимизни эшитгач, ота бошини кўтарди. Жаҳл билан, қўл силтаб:



— Э, қўйинглар, бу дунёда ҳақиқат йўқ! Мана, қаршиларингда турган болани қаранглар. Ҳозир ҳам ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман, шунинг жиноят содир этганини. Уйдаям, мактабидаям яхшигина, одобли эди. Ўқитувчилари мақтарди. «Қовун қовунни кўриб ранг олади» деганлари рост экан-да ўзи. Ярамас болаларга қўшилиб шу ишни қилибди. Ўша куни Пётрнинг бир ўзи бўлмаган. Кўпчилик бўлишган. Аммо энди қолганлари «оппоқ». Жабрини бир киши тортаяпти. Шуми ошкоралик? Мен ўғлимни яхши деяётганим йўқ. Бундаям айб бор. Майли, қилмиши учун жабрини тортсин. Мен бунга розиман. Аммо юқорида айтдим, яна қайтараман, қолган ҳамтовоқларичи? Уларни нима, ойи борми? Яна: уч йил берилиши бу адолатсизлик. Менинг биргина илтимосим — рўзноманглар ёрдам берсин.

— Керак эмас, энди барибир ҳеч нарса ўзгармайди-ку? Шунча куйиб-пишганингиз бефойда! — дея онаси умидсиз оҳангда сўз қотади.

— Ўзгарса-ўзгармаса айтаман. Дардим ичимда қолиб кетмасин. Шу ўғлим қамалгандан бери яшашимда, ейиш-ичишимда ҳаловат маза-матра йўқ. Нима қилайин, куйганимдан гапираяпман-да. Зорғ менинг ҳам оҳимни тинглайдиган топилар?

Яна битта нарсани айтайин. Мен бир оддий фуқароман. Ойлик маошга аранг рўзғоримни тебратиб турибман, ортиқча маблағим йўқ. Биласизларми, агар шу ишни қорни тўқроқ оиланинг боласи қилганида беш суткаям ётмасди. Чиқариб юборишарди. Менинг эса қўлим калта. Айбим камбағаллигим...

Пётр эса «тақдирга тан берган».

— Ҳаммасига ўзим айбдорман. Ўша куни мен билан бирга бўлган ўртоқларимнинг ҳаммаси «фаришта». Нима қилай, барча айбларни бўйнимга олдим. Энди нима қиласизлар ярамни тирнаб? Уч йил ўтиб кетар ахир? Қийин, чидайман...

Фарзанд у ўғилми, қизми, барибир ота-она умрининг давомчиси. Қолаверса, эртанги кунимизнинг эгаси. Юрак қонидан бунёд бўлган фарзандни тарбиялаб, вояга етказиш осонми? Пётрнинг ҳам ота-онаси уни ҳеч қачон «жиноят қилиб қамалсин ёки безори бўлиб ўссин» деган ниятда тарбиялашмаган эди-ку? На илож, «осмон узоқ, ер қаттиқ»...

Толиб Тошкент вилоятидан. Босқинчилик қилгани учун олти йилга озодликдан маҳрум этилган. Балки «қамалган» сўзини биз нотўғри ишлатаётгандирмиз? Чунки бу ерни меҳнат тарбия муассасаси дейишяпти ҳозир. Лекин барибир «озодликдан маҳрум этилган» деган сўз уларнинг юрагини бир умр эзади. Улар «озодлик» деган ширин сўзни соғиниб яшайдилар.

Яна Толибга қайтамиз.

— Бир йилим ўтди, — дейди у бамайлихотир. — Тўртта укам бор. Отам йўқ. Онамга мадад бўлсин деб кўпроқ ишлаяпман. Ишлаган пулимдан юбориб тураман. Мендан катта акам ҳам қамоқда. Энди-энди кўзим очиляпти. Кеч, лекин бу ердан чиқсам, ҳақиқий инсон бўлиб яшайман.

— Аксинча эмасми? Айниқса жазо муддатларини ўтаб қайтганлар орасида яна жиноят содир этаётганлари ниҳоятда кўп учраяпти. Болалар колонияларида «ўтириб чиққанлар» яна тўғридан-тўғри «зона»ларга бориб тушаяптилар-ку?

— Сизларга тўғрисини айтайми? Бундай колонияларга бир марта тушган бола (беш қўл баробар эмас, мен ҳаммани айтмаяпман) яна жиноят содир этмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. У бу ерда жуда кўп нарсаларни англаб етади, яъни «кўзи очилади». Колонияларда яширин сирлар кўп. Биттасини айтай: буни маҳкумлар орасида «сирли қонун» дейишади. Уни бузиш энг оғир жиноятдан ҳам оғирроқдир. Яхшиси айтмаганим маъқул. Кераксмас.

—Нега?

— ...

Бу саволга Александр Дубатовкин «Мен жавоб берсам майлими?» дея қўшилди.

— Бу «қонун»га риоя қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Неча йилга ҳукм қилинган бўлса, шу муддатнинг ҳеч бўлмаганда ярмини унга бўйсуниб ўтказган одам ҳа, ишонаверинглар, эрта-индин озодликка чиқса, яна жиноят содир қилади. Улар учун озодликда юрган ҳамтовоқларини, ўз махфий сирларини айтиш мумкин эмас. Ундайлар шундай «садоқатли» бир-бирига. Колонияга келгач яхши ишлаш, бировларга намуна бўлиш— булар улар учун «энг оғир гуноҳ» ҳисобланади. Командирларнинг йўл-йўриқларига қулоқ тутиш ҳам уят. Бировларга яхшилик, мурувват қилиш сингари энг оддий инсоний фазилатлар ҳам салбий ҳисобланади. «Қўлингдан келса ёмонлик қил!» — мана сизга уларнинг шиори.

Александрни ҳам, Толибни ҳам ўзига яраша фалсафаси бор. Ўзларича «ақлли». Саволларингизга тутилмай жавоб беради. Бизнинг ниятимиз аслида бу ерда «тарбияланаётган» ўсмирлар ҳақида бирма-бир батафсил маълумот бериш эмас. Аксинча. Ахир уларнинг барчаси кечагина сизу-бизнинг фарзандимиз, укамиз, энг яқин қариндошимиз ёки танишимиз эди-ку? «Индамасгина» бўлиб юрган ўсмирни бу йўлга ким бошлаганидан қайси биримиз хабардормиз? Бизда эскидан теккан бир тузалмас «касаллик» бор. Ким бўлишидан қатъи назар бир лаҳзада ўзимизча ҳукм чиқаришга устамиз. «Э, қўй, бу боланинг отасиям, онасиям бир гўр. Фарзанди ким бўларди?» деб. Йўқ, бундай бирёқлама ҳукм чиқариш яхшиликка олиб бормайди...

Биз суҳбатлашган ўсмирларнинг аксарияти ўзларига берилган жазо муддатларидан норози. Улар бу масалада ёрдам беришимизни ўтиниб сўрашади.

Уларнинг тақдирлари билан биздан олдин ҳам «қилни қирқ ёрадиган» (негадир, шу ибора сўнгги пайтда кўпчиликнинг меъдасига тегиб кетди) идораларнинг минг бир чиғириғидан ўтган. Ким ҳақ, ким ноҳақ? Албатта, «ҳар тўкисда бир айб» деганларидек, хатолик бўлади. Аслида сизу-биз қиёсини тополмаган социалистик жамиятимизнинг катта-катта хатолари мана шу болалар колониялари, ота-онасиз тарбияланаётган гўдаклар уйлари, ҳисобсиз қамоқхоналар, (бунинг устига яна хотин-қизлар колониялари ва қамоқхоналарининг кўплигини айтмайсизми) эмасми? Ўзимизни, қолаверса, бутун халқни алдаб яшабмиз. Барибир мана бугун ҳамма сир-асрорлар очилиб қолдику!...

Тўғриси, бу ерда ишлаш, яшаш шароити кўпчилигимиз ўйлаганимиздек, «ит ётиш, мирза туриш» эмас. Мактаб, касб-ҳунар ўргатадиган билим юрти, ошхоналар... Ҳаммаси жойида. Биз бир сўз билан ифодалаб қўя қолаётганимизнинг боиси бор. Чунки сим девор ортида яшаш осонмас. Қўйингки, бизнинг ҳар биримиз бундай ҳаётни кимга раво кўрамиз? Ҳатто душманимизга ҳам тиламаймиз-ку?..

Бизни ўйлантирган нарса: бу ердан озодликка чиқиб кетаётган ўсмирларни янги ҳаёт остонасида яна нималар кутаётганини биламизми? Асло. Муассаса раҳбарлари эса буни билишади. Улар бизга «собиқ» тарбияланувчилари ҳаётига бефарқ, лоқайд муносабатда бўлаётган айрим ноҳия ва шаҳарларнинг номларини санашди. Зомин, Сергели, Боғишамол, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Оқ олтин ноҳиялари ҳамда Навоий, Ғазалкент шаҳарлари ана шулар жумласидандир.

Туғилган гўшалари, кўзлари тўрт, интизор бўлиб йўл қараётган меҳрибонлари бағрига шошилаётганлар орасида эртанги кунини ўйлаб изтироб чекаётганлари қанча. «Мен уйга қайтиб борсам, қаерга ишга олишаркин-а?», «Ўз уйимга прописка қилишармикан?», «Уйланмоқчи бўлсам, ким қизини менга беради?»... Жавобсиз саволлар. Колониядан кетаётган ҳар бир ўсмирни бундай қийноқли саволлар ўйлантириши турган гап.

Уйига борса, ҳатто ўзи туғилиб катта бўлган хонадонга (бундай ҳоллар кўпинча катта шаҳарларда учрайди) ўз жигаргўшалари қаторига рўйхатга олишмайди. Бирон идоранинг эшигига бориб, иш сўрашса, дарров унинг синиқ, ғамгин юзларига, ҳасратли кўзларига қараб сўроққа тутадилар:

— Қаердан келдинг ўзи?

Ўсмир ўйчан нигоҳини ерга қадайди. Хижолатли оҳангда, яна жиноят устида қўлга тушган ўсмир сингари аранг:

— Колониядан кечагина бўшатишувди. Ишласам девдим...

Бундай сўзларни эшитган раҳбар ку, у ёқда турсин, ҳар қандай идора ходими ҳам унга ишонқирамай қарайди. Ўз бошига «ғалва» орттиргиси келмайди.

Иш ахтариб, сарсон бўлган йигитча кўзига дунё қоронғу. Ҳаммасига қўл силтайди. Ўзининг ҳеч кимга керак эмаслигини, ортиқчалигини, хўрланган, таҳқирланганлигини ҳис этади. Унга ҳам ҳеч нарса керак эмас энди. Одамлардан, қолверса, ўзи яшаётган «порлоқ жамиятдан», ҳаётдан кўнгли қайтган ўсмир энди қандай йўл тутиши керак? Сўнгги йўл яна даҳшатлироқ. Ё бировнинг жонига қасд қилади, ё ўзининг жонига. Кейин яна панжара. Ё...

Бу кечагина бошланиб, эрта-индин тугашини кутаётган муаммоларимиздан эмас, бу неча-неча ўнлаб йилларни бошидан кечираётган катта ва бедаво **«КАСАЛЛИК»**дир. Бир нарса ҳаммамизнинг онгимизга чуқур сингиб кетган: «Фалончи қамалибди, эшитдингларми? У энди икки дунёда ҳам одам бўлмайди...». Энг даҳшатли ва кечириб бўлмайдиган Ҳукм. Бу билан биз биргина инсон тақдиринигина эмас, балки катта бир ТИРИКЛИК деб номланган ҳаёт неъматини ҳам унинг қўлларидан тортиб олаётганлигимизни билмаймиз. Тўғри, жиноятчининг миллати, ирқи, жинси бўлмайди. Лекин «ўтириб» чиққанларнинг ҳаммаси ҳам жиноятчи ё қотил эмаску. Улар орасида юракда яхшилик нури порлаб турганлари ҳам бор. Кимнингдир мудҳиш хатоси туфайли бошқа биров йиллаб азоб тортиб ётгани, озодликка чиққани энди сир эмас-ку. Бу колонияда ҳам шундайлар йўқ, деб ким ҳам кафолат бера олади?..

Шу куни қизиқ ҳолнинг устидан чиқдик. Бу ерда ҳар ойда бир марта махсус тузилган комиссия аъзолари иштирокида яхши ишлаган, бошқаларга ўрнак бўлган ўсмирларни колонияда муддатидан илгари бўшатиш тўғрисида масала кўриб чиқилар экан. Бундай ўсмир ҳақида тарбиячилар, ўқитувчилар, усталар ўзларининг холисона фикр-мулоҳазаларини билдириб, комиссия ҳайъати бу фикрларни эшитиб, бир тўхтамга келади. Бўшатилишга рухсат берилганларнинг ҳужжатлари эса судда яна қайта кўриб чиқиш учун юборилади. Агар у ерда ҳам ижобий ҳал этилса, у ёғи озодлик.

Шу куни Дмитрий, Абдураҳмон, Александр ва бошқа бир қанча ўсмирлар масаласи кўриб чиқилди. Қизғин, узоқ тортишувлар, баҳсли муҳокамалар...

Эҳ, бу ерда — тутқунликда ўтирган ҳар бир ўсмир учун ОЗОДЛИК сўзи нақадар ширин! Шу сўзни улар она юрт соғинчидек кутиб яшайдилар. Лаҳзалар, кунлар, ойлар, йиллар ўтаверади... Умр ўтаверади...

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.
Феруза АСҚАР қизи,
«Ёш ленинчи» жамоатчи мухбири.

Хорижидан хабарлар

ЎПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИНИ ТАБРИКЛАШМОҚДА

ОТТАВА. ТАСС мухбири Валентин Василец хабар қилади: Канаданинг савдо-саноат доиралари СССР Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакатга қиладиган ташрифига катта аҳамият бермоқда. Бу ташриф икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Канада-Совет савдо-саноат кенгашининг ижроия директори Лу Намовскининг ТАСС мухбири билан суҳбатида таъкидлашича, ушбу алоқалар жуда масъулиятли даврни бошидан кечираяпти — ҳамкорликнинг кўплаб лойиҳаларини расмийлаштириш босқичи ниҳоясига етказилмоқда. Совет Президентининг Канадага келишининг ўзи муваффақиятли амалий ҳамкорлик учун зарур ишонч муҳитини яратишда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Л. Намовскининг сўзларига қараганда, ҳозирнинг ўзидаёқ тахминан 40 та Совет-Канада қўшма корхонаси тузилган ва рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу фақат ишнинг бошланиши. Неча юзлаб лойиҳаларни муҳокама қилиш арафасида турибмиз. Бу лойиҳалар электроника, машинасозлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, нефть ва газ саноатини қамраб олади. Бир миллиард доллар миқдорида Канада инвестициясини совет иқтисодиётига ўтказиш мўлжалланаётган битимларни рўёбга чиқариш турли босқичларда навбат кутмоқда.

Албатта, икки мамлакат нинг иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдаги имкониятларини рўёбга чиқариш учун яна жуда катта йўл босиб ўтиш керак. Лекин иш ўрнидан қўзғалди, у аста-секин барқарор тусга кирмоқда. Шу кунларда Торонто шаҳрида Канада-Совет савдо-саноат кенгаши қароргоҳининг очилиши бунинг мисолларидан биридир.

Л. Намовски алоқаларни кенгайтириш истиқболлари ҳақида гапириб, Канада асосан кичик ва ўрта фирмалар мамлакати эканлигини назарда тутиш кераклигини айтди. Улар инвестиция беришга қарор қилишар экан, бозор муқаррар бўлишига ишонч ҳосил қилишлари, айниқса, муҳимдир. Улар Совет Иттифоқида бораётган қайта қуришни зўр эътибор билан кузатмоқдалар, иқтисодий ўзгартишлар қайси йўналишда ривожланишини кузатмоқдалар. Совет шериклари билан ҳамкорликка жалб этилган бундай фирмалар, Совет Президентининг келишини, айтишим мумкинки, сабрсизлик билан кутишмоқда, деб таъкидлади Намовски.

ҚОН ГРУППАСИНИ АНИҚЛАШГА—БЕШ МИНУТ

ТОКИО. (ТАСС). Япониянинг Гумма префектурасидаги Гумма дорилфунуни билан префектура полиция бошқармасининг суд-тиббий экспертиза лабораторияси мутахассислари ишлаб чиққан янги технология одамнинг қон группасини одатдаги икки соат ўрнига атиги беш минутда аниқлаб беради. Бунда табобат ходимлари учун қоннинг ўзи ҳам керак бўлмайди. Қон группасини аниқлаш учун сўлак, тер ёки сийдик томчиси кифоя қилади. Врачлар қон группасини аниқлаш учун инсон танасидан ажралиб чиқадиган қон антителасининг акрил-полимерлар билан ўзаро таъсиридан фойдаланадилар. Тадқиқотчилар янги усулни шу кунларда Токиода ўтаётган Япония қон қуйиш жамиятининг ҳар йилги семинарида батафсил кўрсатиб берадилар.

АРАБ ДУНЁСИНИНГ МУАММОЛАРИ

БАҒДОД. (ТАСС). Араб мамлакатлари давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг Ироқ пойтахтида фавқулодда кенгашини ўтказиш мўлжалланмоқда. Шу муносабат билан араб мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг мажлисида ушбу фавқулодда кенгашнинг кун тартиби муҳокама қилинмоқда. Яҳудийлар эмиграцияси, Ливан танглиги, Исроил босиб олган араб ҳудудларида фаластинликларнинг қўзғолонига тааллуқли масалалар араб мамлакатлари раҳбарларининг диққат марказида бўлиши кутилмоқда, шунингдек, Ғарб мамлакатлари Ироққа қилаётган дўқ-пўписалар ҳам муҳокама қилинади.



Софияда яшовчилар Болгария Бадиий академияси битирувчилари, ёш муссавирлар — Марианна Стойчева ва Георгий Крачиков ташкил этган мўъжаз бадиий кўргазмага тез-тез ташриф буюришади. Томошабинлар идиш-товоқлар, кулолчилик маҳсулотлари, лавҳалар, тунчироқлар йиғилмалари билан танишадилар. Ўзларига манзур бўлган буюмни харид қиладилар ёки унга буюртма берадилар. Кўргазманинг ичкарисидаги устахонада мухлислар кўз ўнгида янги асарлар дунёга келади.

СУРАТДА: Марианна ва Георгий иш устида.

БТА — ТАСС сурати.

ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). «АҚШ томонидан Совет Иттифоқи ва Шарқий Оврўпа мамлакатларига нисбатан жорий этилган савдо чеклашлари бизнинг узоқ муддатли манфаатларимизга мос келмайди ва улар бекор қилиниши лозим». Американлик бир қанча конгресс аъзолари ва сенаторлар ташаббуси билан Америка пойтахтида бўлиб ўтган «АҚШ, Шарқий Оврўпа ва Совет Иттифоқи ўтиш давридаги амалий алоқалар» халқаро конференциясида АҚШ конгресси вакиллар палатасининг аъзоси Дэвид Нэгл айтган юқоридаги фикр устун бўлди.

Конференцияда АҚШ савдо-саноат доираларининг вакиллари, Ж. Буш маъмуриятининг аъзолари, конгресс аъзолари, Польша, Венгрия, Совет Иттифоқи, Оврўпа иқтисодий ҳамжамияти делегациялари қатнашди. Улар Америка бизнесининг Шарқий Оврўпадаги ва СССРдаги шериклар билан амалий ҳамкорлиги масалаларини, инвестицияни кенгайтириш ва қўшма корхоналар барпо этиш истиқболларини муҳокама қилдилар. Мазкур конференция муҳим халқаро воқеа — Олий даражада Совет-Америка учрашуви арафасида ўтаётганлиги туфайли алоҳида аҳамиятга моликдир, деб таъкидлашди конференциянинг кўпгина қатнашчилари.

АНТОНИН КАПЕК ЗЎРАВОНЛИК ҚУРБОНИМИ?

ПРАГА. (ТАСС). ЧКП Марказий Қўмитаси Президиумининг собиқ аъзоси ва Прага шаҳар фирқа қўмитасининг биринчи котибининг жасади қизининг боғ-ҳовлисида осилган ҳолда топилди. ЧТК агентлигининг хабар қилишича, унинг ўлимида зўравонлик излари топилмаган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РЕКЛАМАДА СУВАРАКЛАР

● ЯПОНИЯНИНГ «МАЦУШИТА ДЕНКИ» фирмаси электрон суваракла ва чигирткаларнинг ўзидек нусхасини ярагди.

Улар худди ростакамидек (аслидек) тез югуришади ва сакрашади, мўйлабларини қимирлатишади. Бу «жониворлар»ни ҳаракатга келтирувчи барча шарнирлар, дасталар, тишли ғалтаклар ва митти двигателлар микроскоп остида ясалган. Лекин бу ўйинчоқлар сотилмайди. Йирик ишлар устида шартнома тузилаётганда уларни гугурт қутисидан олишади ва мижозларни электротехника имкониятларини реклама қилиб кўнглини кўтаришади, деб хабар беради Булғориянинг «Орбита» ҳафталикномаси.

ЧЎҚҚИГА ҲАВО ШАРИДА

● АНГЛИЯЛИК УЧ КИШИ Эверест чўққисига атиги беш соат ичида кўтарилишмоқчи.

Ҳимолай тоғидаги бу чўққига улар «Учувчи юлдуз» деб номланган ҳаво шарида чиқишади. Бу шарнинг диаметри 27 метр бўлиб, «Тендер-Кольт» фабрикасида тайёрланмоқда. Унинг эгаси, бўлажак парвознинг бош учувчиси ва штурмани Питар Биндетраннинг айтишига кўра, командага Ҳимолайда осон бўлмайди. У ерда кучли бўрон эсиб туради, ҳаво ҳарорати эса 45 даражагача совуқ бўлади. «Учувчи юлдуз»нинг саватида капитан билан бирга бир тажрибали альпинист ва табиийки, бир кинооператор бўлади, деб ёзади ГФРнинг «Космос» жаридаси.

БЕШ ҚИТЪАНИ 60 КУНДА

● АВТОРАЛЛИ БЎЙИЧА ҲИНДИСТОН чемпиони Салу Чоудхори ва унинг турмуш ўртоғининг номи жаҳонга машҳур бўлган «Гиннес-нинг рекордлар китоби»дан ўрин оладиган бўлди. Бунга улар кичик митражли автомобилда ер шарини энг қисқа вақтда айланиб чиққанликлари учун сазовор бўлдилар.

Салу ва штурман вазифасини бажарган унинг рафиқаси ўтган йилнинг кузида икки марта — беш қитъани 60 кунда ва 50 минг километрни 70 кунда босиб ўтиб рекорд натижага эришганлар.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Янги шеърлар

Ишқ инъоми

Дилрабо ишқингда мен
девона бўлганимни кўр,
Элга бир мажнун каби
афсона бўлганимни кўр.
Бир-бирига кўрсатиб
ҳар кимса номим телба дер,
Бу жаҳон айвонида
остона бўлганимни кўр.
Терс қарар дўстлар менга
ҳеч меҳрибоним қолмади,
Қон-қариндош барчага
бегона бўлганимни кўр.
Бу алам тандан ўтиб
бағримни дилхун айлади,
Кўзга ёш олмай ниҳон
гирёна бўлганимни кўр.
Нега ошиқ хору зор
қилгайми тақдир имтиҳон,
Кўҳна тарих бирла мен
ҳайрона бўлганимни кўр.
Майли, ишқ ўтида ёнсам,
куйсам-да минг бор розиман,
Шу муҳаббат шаъмига
парвона бўлганимни кўр,
Сен мурод ҳосил қилиб
кўйингда бошим дорга торт,
Машрабдек энди Мирзо
дурдона бўлганимни кўр!

Қобил МИРЗО.

Тушмишам

Толеим баланд эрур тонгда сабодан тушмишам,
Ағёрларим куйдириб аҳду вафодан тушмишам.
Гул экиб гулзорима сенсиз узолмайин уни,
Кўксима номинг ўйиб, ёрсиз жафодан тушмишам.
Узгаларга қошинг камон, кипригинг ёй айлама,
Қайга борсанг, эргашурман, йўлсиз — панодан тушмишам.
Балки мен ҳам келмас эрдим, келмасайдинг дунёга,
Сени деб йиғлаб эмас, кулиб анодан тушмишам.
Тут, Ўроқ, ҳар на бўлса, ёринг висолини азиз
Шу бугун қучгум дебон юксак бинодан тушмишам!

Ўроқ САИДОВ.

Лавҳа

Жилғалар, ирмоқлар, оқар чулдираб,
Ҳаётбахш оҳанглар таралар ҳар ён.
Тоғлар қаҳқаҳаси янграр гулдираб,
Марварид булоқлар қирқирлар бийрон...
Заминнинг файзини оширмоқ будир,
Боғу-роғ гуркирар топиб баркамол.
Коинот бағрида жилоланса нур,
Гўзаллик лавҳаси кўрсатар жамол....

Шарофжон ОРИФИЙ.

Эътиқод

Юзда чақнаб турган у кўзлар ичра,
Дардланиб турса бир ўтли ҳаяжон.
Сеҳрига дош бермай ёвузлик сира,
Қанийди, лаҳзада берақолса жон.

Қанийди, қуёш ҳам эрта тонгданоқ
Пора-чун чўзилган қўлни куйдирса,
Текинга ошиққан нокасни шу чоқ
Нурлари тафти-ла даволаб турса.

Баъзан ҳаяжонда энтикиб бироз
Недандир дод солган телбани кўриб,
Ҳаётдан ҳақиқат излаган киму,
Деймиз, ким суқланар тонгдан ўй суриб.

Талпинган юракка берингиз изн
Ҳар наҳор янграсин шўх бир тарона.
Равшанроқ кўрсангиз субҳидам юзин
Демак меҳрлидир шу юрт ягона.

Курашмоқ камари белларда маҳкам,
Пок меҳнат — кишининг қилич-қалқони,
Эътиқод бор экан кимда чинакам
Демак у яшайди, покдир имони.

Баҳром УМИРОВ.



Саволлар беринг!

Қандай имтиёзлар бор?

Мен заводда ишлаш билан бирга кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқийман. Бу йил ўқишни тугаллайман. Ниятим олий ўқув юртига кириш. Ўқишни битираётганимда ва олий ўқув юртига кираётганимда менга заводим томонидан қандай имтиёзлар берилади?

К. АЛИЕВ.
Бекобод шаҳри.

Ишни таълим билан қўшиб олиб бораётган ишчи ва хизматчиларга корхона, жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, завод, фабрика ва маъмурият томонидан Ўзбекистон меҳнат қонунлари мажмуасининг 214-моддасига биноан зарур шароит яратиб берилиши шарт. Шу мажмуанинг 218-219-моддаларида кўрсатилганидек ўқиётган ишчи, хизматчилар учун ўқув йили даврида ишчи-ёшлар мактабларининг — кечки, сменали ва сиртқи ўрта умумий таълим мактабларининг 9-10 синфларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганларга ҳафтасига бир кун иш кунига қисқартирилган ҳафтасида бир иш куни берилади ёки ... ҳафтада беш кун ишланадиган бўлса, қисқартирилган иш куни белгилаб қўйилиши керак. Қишлоқ ёшлари мактабларида 9-10-11-синфларда ўқиётганлар учун иш ҳафтасида — икки иш кунига, ... иш ҳақларини сақлаган ҳолда озод этилиши лозим, мабодо ҳафта давомида иш куни қисқартирилмаган бўлса, унда иш соати қисқартирилган бўлиши керак.

Қишлоқ ёшлари, ишчи ёшлар мактабларида 9-10-11-синфда ўқиётганларга жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, завод, фабрика, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмуриятлари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиётганлар учун иш ҳақини сақлаган ҳолда кўра ўқишга тайёрланиш учун бир-икки кунга ишдан рухсат беради.

Қишлоқ ёшлари ва ишчи ёшлар мактабларида кечки сиртқи ва сменали ўрта умумий таълим мактабларида кундузги ўқишга тайёрланиш ... битирув имтиҳонларини топшираётган вақтда 20 иш кунига рухсат беради. Жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги, завод, фабрика, корхона, ташкилотларда бу тартиб пайтида уларга иш ҳақи тўланиши керак.

Юқоридаги қонунлар мажмуасининг 223-моддасига биноан техникум, махсус профессионал билим юртлари, олий ўқув юртларига ва бошқа ўрта махсус билим юртларига кириш имтиҳонлари топширишга келган ишчи ва хизматчиларга иш ҳақлари сақланмаган ҳолда ўн беш кунлик таътил берилиши лозим.

Никотиннинг маъноси нима?

Бир грамм никотин отни ўлдиришини жуда яхши биламиз. Хўш, никотин нима деган? Бу сўз қаердан келиб чиққан?

Х. ҲАКИМОВ.
Тошкент шаҳри.

Маълумки, тамаки Христофор Колумб томонидан XV асрда Америкадан Оврўпага келтирилган ва, кейинчалик Осиё мамлакатларига тарқалган. Унга ўз вақтида Франциянинг Лиссабондаги элчиси Жан Нико жуда ишқибоз бўлиб қолади ва унинг ўзи тамаки етиштириб, бу ўсимликни кимёвий жиҳатдан текширади. Тамакидан ажратиб олинган ўткир заҳарли модда — алкоидга, тамакини биринчи бўлиб Францияга олиб кирган Жан-Нико шарафига «Никотин» деб ном берилади.

«Тамаки» эса «табак» сўзининг бузилган шакли бўлиб, Кариб денгизидаги Табаго оролининг номидан келиб чиққандир. Чекишга қарши кураш қадим замонлардан бери давом этиб келаётган бўлса-да, уни чекишга одамлар ҳозиргача ишқибоз бўлиб келмоқдалар.

Чумолига қарши кураш бўладими?

Саккиз йилдан бери кўп қаватли уйнинг учинчи қаватида яшаймиз. Икки-уч йилдан бери уйимизда жуда ҳам кўп чумоли пайдо бўлди. Уларга қарши қандай кураш чораси бор?

С. РАСУЛОВА.
Самарқанд.

Сариқ чумолилар ҳовлили уйлардан ташқари кўп қаватли биноларда ҳам тез тарқалади. Уларни йўқ қилиш жуда қийин. Бунинг учун уларга қарши ҳўрак тайёрлаб узоқ вақт курашишга тўғри келади. Ана шунда ишчи чумолилар махсус ишлов берилган ҳўракни инларига ташиб, ин чиниқларини ва она чумолини боқишади. Ҳўракни қуйидагича тайёрлаш лозим. Бир чой қошиқ борат кислотасини ярим стакан сувда эритиб, бир чой қошиқ шакар қўшилади. Эритма совугач унга асал солиб аралаштирилади ва чумолилар кўп юрадиган йўлга қўйиб қўйилади.

Икки чой қошиқ борат кислотасига ярим стакан сув, бир тухум сариғини қўшиб аралаштирилади. Унга ҳам озгина шакар қўшиш мумкин. Ана шу ҳўрак ҳам ҳар жойга озгинадан қўйиб қўйилади.

Бу усулни эринмасдан ҳар ойда 5-6 ой давом эттирилса, у чумолиларни қирилишига олиб келади.



Умумий ютуққа қўйилган ўн дона «Волга-ГАЗ 2410», 320 дона «ВАЗ-21063», 09, 08, 05 «Жигули» автомашиналари, 90 та «Москвич-412», 80 та «Запорожец—968» 100 та «Урал» мотоцикли, 20 тадан Румыния, Чехословакия, ГДР, Болгария, Польшага, 200 дона ёшлар саёҳат марказларига йўлланмалар ютишни истасангиз ёшлар пул-буюм лотереясини сотиб олинг. Лотерея ўйини Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1990 йилда жумҳуриятда ёшлар пул буюм лотереяси ўтказиш тўғрисидаги қарори билан уюштирилмоқда.

Лотереянинг умумий миқдори 16 миллион сўмни, ютуқларнинг умумий миқдори эса 8 миллион сўмни, яъни чиқарилган патталарнинг 50 фоизини ташкил қилади. Паттанинг баҳоси юқорида айтганимиз дек 50 тийин, ютуқлар тиражида лотереянинг 10 разрядига 8 миллион сўмлик 24550 та ютуқ, шу жумладан 4.675.500 сўмлик 3290 та буюм ютуқлари ва 3.324.500 сўмлик 21.260 та пул ютуқлари ўйналади. 200 сўмгача бўлган пул ютуқларини, шунингдек, эгасининг хоҳиши билан буюм ютуқлари пулини Ўзбекистон ССРнинг барча жамғарма банклари тўлайди. Миқдори 1100 сўмдан юқори бўлган ютуқлар Ўзбекистон жумҳурият жамғарма банкининг текширувидан сўнг тўланади.

Миқдори 1100 сўмгача бўлган пул-буюм ютуқларининг қийматини иттифоқдош жумҳуриятлар, ўлка, вилоят марказларидаги жамғарма банкларида ҳам тўланади. Юқорида кўрсатилган жамғарма банклари қиймати 1100 сўмдан юқори бўлган буюм ютуқларнинг ўрнига унинг пулини тўлаш учун ҳам лотерея патталари қабул қилинади.

Лотерея бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларини ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, улар шунга ўхшаш бошқа хилдаги буюмлар билан алмаштирилади. Бу ҳолда берилаётган буюм қиймати лотереяга чиққан буюм ютуқларининг баҳосидан арзон бўлса, нарх ўртасидаги фарқ қўшиб берилади.

«Жигули» автомобилларининг модификацияси ўзгарган тақдирда бошқа модификацияли автомобилларга алмаштирилади, бунда ютуқ эгаси ўртадаги фарқни тўламайди.

Буюмнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади. Нарх ўртасидаги фарқ тўланмайди. Буюм ютуғи ўрнига нақд пул эса лотерея шартларида кўрсатиладиган миқдорда тўланади.

Айрим буюм ютуқлари лотерея патталари жамғарма банклари томонидан текширилиб, уларга ҳисоб муҳри босилгандан кейин жойлардаги дўконларда берилади.

Ютуқ чиққан лотерея патталарини кечи билан 1991 йил 30 июнгача топшириш керак. Ундан кейин қабул қилинмайди.

Ютуқлар тиражи 1990 йил 27-28 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ МЕҲНАТ ЖАМҒАРМАЛАРИ ВА АҲОЛИГА КРЕДИТЛАР БЕРИШ БАНКИ.

ИСТЕЪДОДЛАР КЎРИГИ


Олмалиқ шаҳрининг «Химик» маданият саройида маҳаллий ҳаваскор ёшларнинг «Камолот-90» кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Конкурснинг 1 турида 40 нафар ҳаваскор иштирок этиб, рақс, қўшиқ ва бадиий сўз бўйича ўз санъатларини намойиш қилишди. Ушбу синовда 15 қатнашчи II-тур учун йўлланма олди. II-тур учун ўтказилаётган баҳсларда ҳар бир ҳаваскор 2 тадан номер ижро этди: ўзбек халқ чолғу асбоблари жўрлигидаги классик чиқиш ва санъаткорнинг ўз севган номери.

Конкурс ғолиби деб 3-ўрта мактаб ўқитувчиси, ҳаваскор хонанда Н. Қамбарова топилди. Ижрочилар А. Ҳасанбоев, А. Сарибоевлар биринчи ўринни, Р. Ҳакимов иккинчи ўринни А. Турдиев эса учинчи ўринни эгалладилар.

«Ёшлик» маданият саройининг бадиий раҳбари Н. Маткаримова рақс санъати бўйича умумий овқатланиш корхонасининг ходими А. Машарипов эса бадиий сўз усталиги бўйича ғолибликни қўлга киритдилар. Барча ғолиблар пул мукофоти ва эсдалик совғалари, ғолиблик дипломлари билан тақдирландилар.

А. ҲАСАНОВ.
Тошкент вилояти.

Хотира





Ёдгорлик очилди

Афғон уруши ўзбек халқининг ҳам бошига чексиз ғам-кулфат келтирди. Ўн йил давом этган бу урушда шаҳид бўлганлари, бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолганлари қанча... Марҳумлар хотирасини эъзозлаш, ёд этиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ноҳиясидан ҳам Афғонистон урушида 250 нафар йигит иштирок этган. Уларнинг тўрт нафари бу мақсадсиз уруш қурбони бўлди, икки нафари эса ҳалигача бедарак.

Яқинда ноҳиянинг «Ғалаба» истироҳат боғида афғонда ҳалок бўлган ўғлонларнинг ёрқин хотираси учун ноҳия комсомол қўмитаси ташаббуси билан ёдгорлик ўрнатилди. У ноҳия меҳнаткашларининг шанбалик кунларида ишлаб топган маблағлари ҳисобига қурилди. Ёдгорликнинг очилиши маросимида марҳум йигитларнинг ота-оналари, собиқ «афғон»чилар, фирқа ва комсомол қўмиталари ходимлари иштирок этдилар.



СУРАТЛАРДА: ғаллаороллик байналмилал аскарлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

У. ҚЎШВОҚОВ суратлари.

«Чаман» ғунчалари

Саҳна узра енгил учиб ўйнаётган қизчалар кўзингизга капалакка ўхшаб кўринади. Дилни қитиқловчи мусиқага ҳамоҳанг ҳилпираётган атлас кўйлакнинг енги — ўша капалакнинг нафис қанотлари. Йўқ булар шабадада майин силкинган марваридгуллар, «Чаман»да бўй чўзган марваридгуллар.

«Чаман» — В. И. Ленин номидаги кашшоф ва ўқувчилар саройида ташкил қилинган даста бўлиб, бу болалар фольклор — этнографик гуруҳи жумҳуриятимиз санъатсеварларига яқиндан таниш. Унинг тузилганига бор-йўғи бир ярим йил бўлди. Мана шу қисқа вақт ичида изланувчан жамоа ўз ижодий йўлини топди. «Чаман»нинг бир концерт программаси «Чаманда гул» оммавий фольклор лапари билан бошланади.

Дастада ҳаммаси бўлиб саксон нафар ўғил-қиз иштирок этади. Улар пойтахтимизнинг турли ноҳияларидан. Дарсдан бўш вақтларида дастада қатнашадилар. Ёш ижрочилар халқимизнинг азалий бўлган «Олмача анорим»ни, айниқса, ўзгача иштиёқ билан куйлайдилар. Бундан ташқари даста репертуаридан миллий санъатимизнинг асл дурдоналаридан «Донра рақсга чорлайди», «Гуллар рақси», «Хоразм лазгиси» кабилар ҳам ўрин олган.

Феруза Одилова «Чаман»нинг яккахон қўшиқчиси, у куйлаш билан бирга жозибали рақсларни ҳам маромига етказиб ижро этади. М. Ҳакимова, З. Қадабоева, С. Аҳмедовлар ҳам дастанинг кўзга кўринган вакилларидандирлар.

Дастага моҳир санъаткор Азим Азизов раҳбарлик қилади. У йигирма йил давомида «Баёт» халқ вокал — хореографик дастасига раҳбарлик қилган. Азим ака шогирдларини ватанни севишга, санъатнинг қадрига етишга ўргатади. Жамоанинг доирачилар гуруҳига Азим аканинг издоши, ёш ва қобилиятли мутахассис С. Қўчқоров, карнай-сурнайчилар гуруҳига эса Бутуниттифоқ эстрада кўригининг қатнашчиси Т. Юсупов бошчилик қилади.

— «Ўтган 1989 йил биз учун унутилмас хотираларга бой бўлди — дейди Азим ака. Ёзда Ленинградда, кузда эса Москвада саёҳатда бўлдик».

Ҳозирги кунда даста қаҳрамон шаҳар Киевда ўтказиладиган «Биз ҳаммамиз иноқ яшаймиз» Бутуниттифоқ фестивалига тайёргарлик кўряпти. Август ойида жамоа Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси йўлланмаси бўйича «Артек» Бутуниттифоқ кашшофлар лагерига боришни режалаштирган.

«Чаман» ўзининг энг яхши номерларини ойнаижаҳон орқали ҳам мухлисларга тақдим этмоқда. Бу чиқишлар мухлислар сафини тобора кенгайтиряпти. Яқинда даста ўзбек классик оммавий рақси «Тановар»ни саҳналаштирди. Бу машҳур рақсни дастанинг қирқдан ортиқ рақкосаси ижро этади.

«Чаман»нинг истиқболи порлоқ, у санъатнинг катта йўлидан бораётган кичкина қуёшдир. Бу қуёшдан нур эмган марваридгуллар дуркун ўсаверади.

Х. ТУРДИЕВА,
ТошДУ талабаси.

ТВ

26 МАЙ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Қизлар баҳси. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Тошкент ва Бухоро вилоятлари командалари учрашадилар. 12.45 Ойнаижаҳонда биринчи марта. «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм («Ленфильм»). 14.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий кўрсатув.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кураш». Мультфильм. 18.15 «Жилға жилови мироб қўлида». «Бухараирстрой» трестининг ютуқ ва муаммолари. 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Хотира». СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланади. 20.30 Москва «Вақт». 21.00 Оқшом эртаклари. 21.15 «Мусиқа жавони». 21.55 Реклама. 22.00 «Ҳафтанома». 22.40 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия («Ленфильм»). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Савту калом». Тилло Пўлоди шеърлари асосида адабий-мусиқий кўрсатув. 9.55 Тожикистон Компартиясининг XXI съезди. 12.00 «Кўзёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Кўзёшлар оролидаги икки киши». Бадиий фильм. 19.30 «Новости». 19.50 «Донишчу». Калинин номидаги Тожикистон физкультура институти. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Беғараз панд...». Миниатюралар телетеатри. 22.00 Ахбор». 22.20 «Панчи суруд». Зафар Нозимов. 23.30 «Барча юлдузлар». Телефильм.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Онам, дадам ва мен». 8.35 «Бурда моден» таклиф этади...». 9.05 «Рақсга таклиф». Фортепьяно куйларидан концерт. 9.25 «Дўстларимнинг нафис хислатлари...». Виринчи учрашув: «Севги, фантазия ва муваффақиятлар қўлимизда». Киров шаҳрилик халқ ўйинчоқлари устаси В. Жигальцев ҳақида. 10.15 «Партнёр». Тижорат хабарномаси. 10.45 В. Зажигин чалади (балалайка). 10.55 «Пи» белгиси билан» кўрсатуви саҳифаларида. 11.55 «Стоп-кадр». Илмий-оммабоп кўрсатув. 12.55 «Сувдаги цирк». 13.45 Оила экрани. «Тунги ташриф». Телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 15.15 Сиёсий мулоқотлар. 16.00 П. И. Чайковский. «Орлеан қизи». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли. 18.30 «Халқаро панорама». 19.45 Режиссёр К. Кийск фильмлари. «Ўлим азобини ўлганлардан сўра» («Таллинфильм»). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телвизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Тафтиш». РСФСР халқ артисти Е. Петросян иштирокида спектакль премьераси. 23.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Матбуот клуби» ижодий уюшмаси таништиради. «Бу курашда». 8.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездида.** 11.55 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Литвяков фильмлари: «Тарбияси оғир болалар», «Кўришгунча хайр, она», «Шундай сабаблар бор» («ЛСДФ»). 13.00 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 15.30 «Боғбон». Бадиий фильм, субтитр билан («Ленфильм»). 18.10 «Лабиринт». Мультфильм. 18.30 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. СССР — ХХР терма командалари. Ригадан кўрсатилади. 19.45 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз» 19.30 «Бой берилган даҳо ёки истеъдодли бўлиш қанчалар бефойда эканлиги ҳақида асар». 20.30 «Вақт». Янгиликлар телвизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 «Янграсин садолар, жарангласин карнайлар». Ж. Верди «Марсия».

Тунги сеанс

22.35 «Мусиқий воқеалар» Кино-концерт. 23.25 «Корачадан келган киши кечқуруни». Бадиий фильм (Польша).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04277. Д — 23471.